

802  
У 47

811.111

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ

АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ҮҒЛИ ЧҮЛПОН НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МУХТОРХОН УМАРХУЖА  
ШАРОФИДДИН ОЛИМ

# ҲАММАБОП ИНГЛИЗ ТИЛИ ENGLISH FOR EVERYBODY

INTENSIVE COURSE OF ENGLISH



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1998

Ушбу құлланма инглиз тилини ұрганишни истаган турли ёшдаги ва турли касбдаги күшиларга бағылланған бұлып, у тұрт қисмдан иборат. Биринчи қисмда инглиз тили фонетикаси ҳақида маълумот ҳамда машқдар берилған. Иккінчи қисмда инглиз гилини ұрганишда зарур бўлған грамматик ҳодисалар көлтирилған. Учинчи қисмда оғзаки нутқни ўстиришга қаратилған нуткий намуналар берилған. Тұртингчы қисмда эса турли мавзуларни ұрганишни назарда тутувчи сеанслар көлтирилған.

Мазкур құлланмадан ұрта мактабда инглиз тили үқитишининг юқори босқичида, лицейларда ва олий үқув юртларининг бошлангич босқичида дарслықта құшымча үқув воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мүмкін.

Масъул мұҳаррір: Ф. М. ҲОШИМОВ,  
филология фанлари номзоди,

Тақрижчилар: Ү. Қ. ЙОСУПОВ,  
филология фанлари доктори, профессор,  
С. Р. РАХИМОВ,  
филология фанлари доктори, профессор,  
М. А. АБДУВАЛИЕВ,  
филология фанлари номзоди, доцент

## СЎЗ БОШИ

Инглиз тилини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган азиз тингловчи!

Мазкур қўлманма инглиз тилини илк бор ўрганишга азму қарор қилган турли ёшдаги илм толибию толибаларига мўлжалланган.

Ушбу қўлланманинг мақсади турли касб эгалари, айниқса, бизнес билан шуғуланаётган ишбилармонларни қисқа вақт ичидаги инглиз тилининг алифбоси ва талаффузи билан танишириш ҳамда гапириш ва сұхбатлашишга ўргатишдан иборатdir.

Сўнгги йилларда инглиз тилида сұхбатлашиш эҳтиёжи ва истагининг ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, қўлланмада қундалик ҳаётда тез-тез учраб турадиган сўз ва иборалар берилган. Улар энг оддий ҳаётий вазиятларда инглиз тилида сұхбатлашиш кўникмаларини ўстиришни таъминлайди.

Биринчи қисмда сиз инглиз алифбоси билан танишасиз ва инглиз тилидаги унли ҳарфларнинг ҳамда унли ва ундош ҳарф бирикмаларининг ўқилиш сирларидан огоҳ буласиз. Уларни тўгри талаффуз қилишда эса сизга магнит тасмасига ёзилган машқлар ёрдам беради.

Иккинчи қисмда инглиз тилини ўрганишда грамматик нуқтаи назардан тўгри гаплар тузиш учун зарур бўлган энг муҳим грамматик ҳодисалардан таркиб топган минимум берилган. Улар сизга инглиз тилида тўгри, хатосиз гаплар тузишингизга ёрдам беради, зоро, грамматик қоидаларни ва сўзларнинг бир-бирлари билан боғланиб гаплар ҳосил қилиш йўлларини ўрганиб олмасдан туриб, фикрингизни инглизча ифода қилиш қийин, аниқроги мумкин эмас.

Учинчи қисм ўн олтига дарсдан ташкил топган. Ҳар бир дарсда грамматик курилмаларни ўзида акс эттирган нутқий намуналар ва шу нутқий намуналарда машқ қилишга мўлжалланган сўз ва иборалар берилган. Ушбу сўз ва ибораларнинг ўзбек тилидаги таржималарининг ҳам берилганлиги уларни нутқ жараённида тушунган ҳолда қўллашни осонлаштиради.

Барча нутқий намуналар магнит тасмасига ёзилганлиги сабабли ҳам сиз, азиз тингловчи, сухандоннинг талаффузига тақлид қилган ҳолда уларни тўгри ўқиши осонгина ўрганиб оласиз.

Тұртингчи қисм "Танишув", "Шаҳарда", "Меҳмонхонада" ва "Саёҳат" мавзулари асосида тузилган бешта ритмопедик сеансни ўз ичига олган. Бу сеанслар ҳам магнит тасмагындағы өзиб қўйилган.

Ушбу қўлланмада берилган тил материалидан ва магнит ёзувларидан қандай фойдаланиш кераклиги унда берилган маҳсус методик қўрсатмада батафсил баён қилинган. Бу қўлланмадан фойдаланганда сиз унда келтирилган барча қўрсатмаларга қатъий амал қилишингиз керак, шундагина сиз инглиз тилини қисқа вақт ичида ўрганиб олишингиз мумкин.

Мазкур қўлланма инглиз тилини тезкор усул асосида ўрганишдаги биринчى қадамdir.

Келгусида ушбу қўлланманинг бошқа қисмларини ҳам чоп этиш назарда тутилган. Уларда турли касбга ва нутқий вазиятларга оид матнлар ҳамда уларнинг магнитафон тасмаларига өзилган ёзувлари берилади.

Инглиз тилини ўрганиш йўлидаги эзгу ниятларингизнинг амалга ошишида Сизга омад ёр бўлсин!

Қўлланмани тайёрлашда қимматли маслаҳатлари билан ёрдам берган доцент F. M. Ҳошимовга, матнларни магнитафон тасмасига өзиб олишда кумаклашган Америка Кўшма Штатларидан келган мутахассислар Линн ва Дэйвид Айзеклар оиласига ҳамда талабалардан Г. Солиева, Ш. Ҳакимова ва техник ходимларга муаллифлар уз миннатдорчилигини билдирадилар.

*Муаллифлар.*

## I ҚИСМ

### МЕТОДИК КҮРСАТМА

Инглиз алифбоси билан илк бор танишаётганда энг аввал ҳарфларнинг шаклига ва талаффузига эътибор беринг. Инглизча ҳарфларнинг ўқилишини уларнинг ёзувдаги белгиси (транскрипцияси) билан ўзбекча ўқилишини қиёсланг, эслаб қолинг. Ҳарфларни тұғри талаффуз қилишда уларнинг магнит тасмасидаги ёзуви сизга ёрдам беради.

Агар инглизча ҳарфнинг ўқилишидаги кетма-кетлик (яъни A a [ei] - эй) сизга қийинлик түгдирса сиз ҳарфларнинг ёзувдаги белгиси (транскрипция) ни эслаб қолиш учун қуидагича кетма-кетли қдан фойдаланган ҳолда ҳарфларнинг ўқилишини машқ қилинг. А a эй - [ei] ; В b би - [bi:] ва ҳ.к.

Унли ҳарфларнинг турт хил бўгин турида ўқилиш сирлари билан танишгач, магнитафон ёзувидан фойдаланиб ҳар бир бўгин туридаги унли ҳарфларнинг ўқилишига тақлид қилиб қайтаринг.

Ёд олиш учун берилган гапларни тингланг ва ёдлаб олинг. Улар сизга берилган ҳарфнинг тұғри ўқилишини ўрганишда катта ёрдам беради. Ундооп ва унли ҳарфлар бирикмаларини ҳамда диграфларнинг (унли ва ундош ҳарф бирикмалари нинг) ўқилишини ўрганишда ҳам шу кўрсатмага амал қилинг.

# ИНГЛИЗ АЛИФБОСИДАГИ ҲАРФЛАРНИНГ ҮҚИЛИШИ

## ENGLISH ALPHABET

- **A a** A a [ei] - эй
- **B b** B b [bi:] - би:
- **C c** C c [si:] - си:
- **Dd D d** [di:] - ди:
- **E e** E e [i:] - и:
- **F f** F f [ef] - эф
- **G g G** [dʒi:] - жи: «жийда» сўзидағи «жи»га ўхшаш
- **H h H h** [eitʃ] - эйч
- **I i I i** [ai] - ай
- **Jj J j** [dʒei] - жей
- **K k K k** [kei] - кэй
- **L l L l** [el] - эл
- **M m M m** [em] - эм
- **Nn N n** [en] - эн
- **O o O o** [ou] - “улка” сўзидағи “ў”га ўхшаш, яъни -[ou]
- **P p P p** [pi:] -пи:
- **Q q Q q** [kju:] -кю:
- **R r R r** [a:] -а:
- **S s S s** [es] - эс
- **T t T t** [ti:] -ти:
- **U u U u** [ju:] -ю:
- **V v V v** [vi:] -ви:
- **W w W w** [dʌb1 ju:] - дабл ю:
- **X x X x** [eks] - экспресс
- **Y y Y y** [wai] -уай
- **Z z Z z** [zed] - зэд

Хурматли тингловчи, сиз инглиз тилини ўрганишга аҳд қилиб унинг алифбоси билан ҳам танишиб чиқдингиз. Бироқ олдингизда бир муаммо турибди, бу ҳам бўлса инглиз тилидаги унли ва ундош товушларнинг талаффузи муаммосидир, чунки улар ўзбек тилидаги ҳарфларга ўхшаб талаффуз қилинмайди. Инглиз тилидаги ҳар бир унли ҳарф тўрт хил бўгин турида ўзига хос талаффуз этилади. Шунинг учун айтгишади-да, “инглиз тилидаги сўзларнинг ёзилиши бошқа-ю, үқилиши бошқа”, — деб.

Қўйида сизни инглиз тили унлиларининг ўқилиш сирлари билан таништириб чиқамиз.

### Унли ҳарфлар: а, о, у, і, е, у

#### 1- тур ўқилиши (очиқ бўғин)

а - [eɪ] эй

date [deɪt] - дейт

о-[ou] "ўлка" сўзидағи [оу] товушига ўхшаш  
no [nou] - ноу, note [nout] - ноут, so [sou] - соу

у - [ju:] ю:

duty [dju:tɪ] - дюти

е - [i:] "тийин" сўзидағи [и] товушига ўхшаш  
me [mɪ:], he [hi:], she [ʃi:]

і - [aɪ] "қайин" сўзидағи [ай] товушига ўхшаш  
nine [naɪn] - найн

у - [wai] унлиси ҳам "і" каби [ай] бўлиб ўқилади  
type - [taip] тайп, my - [mai] май.

#### 2 - тур ўқилиши (ёпиқ бўғин)

а[æ] қисқа товуш. Ўзбек тилидаги "э" ҳарфининг "а" ҳарфига бир оз яқинлаштириб қисқа талаффуз қилинишига ўхшаб кетади, «мэн» сўзидағи "э"га ҳам ўхшаш. hat [hæt] хэт, sat [sæt] сэт.

о[ə] қисқа товуш. Ўзбек тилидаги "оқ" сўзидағи [ə] товушига ўхшаш.

он [ən] - он, hot [hət] - хот

и [ʌ] қисқа товуш, "қандил", "қафас" сўzlаридағи "а" ҳарфининг талаффузига ўхшаш.

nut [nʌt] - нат, but [bʌt] - бат

е [e] қисқа товуш, "деди" сўзидағи "е" ҳарфининг ўқилишига ўхшаш, лекин қисқа талаффуз қилинади.

pen [pen] пен, sent [sent] сент

і [i] қисқа товуш, "ин", "ин" сўzlаридағи "и" ҳарфининг талаффузига ўхшаш.

in [ɪn] - ин, sit [sɪt] - сит

у [i] Syd [sid] - сид

### 3 - тур ўқилиши

3 - тур ўқилиши унли ҳарфлардан кейин "т" ҳарфи келтган ҳолат. Бунда "т" ҳарфи ўқилмайди. У ўзидан олдин келтган унли ҳарфининг чўзиқ ўқилишини таъминлайди.

а + r [ɑ:] чўзиқ товуш. "Қодир" сўзидағи "о" ҳарфининг талаффузига ҳамда "ао" ҳарф бирикмаларининг ўқилишига ўхшаш.

art [ɑ:t] - аот

u + r [ə:] чўзиқ товуш. Бу товуш ўзбек тилида йўқ. Бироқ уни ўзбек тилидаги "э" ҳарфининг чўзиқроқ талаффуз қилинган ҳолатига ўхшатиш мумкин. Шунингдек, е, i, у ҳарфлари ҳам 3 - тур бўгинда "т" билан бирикиб [ə:] бўлиб ўқилади:

fur [fə:] фәэ, turn [tə:n] тээн  
e + r [ə:]

her [hə:] хәэ

i + r [ə:]

girl [gə:l] гәэл

u + r [ə:]

myrtle [mə:tł] мәэтл

o + r [ɔ:] чўзиқ товуш, "ўрмон" сўзидағи "у" ҳарфининг чўзиқроқ ўқилишига ўхшаш.

or [ɔ:] -уу, port [rɔ:tł] пӯйт, fork [fɔ:k] - фууқ

### 4 - тур ўқилиши

Бундай бўгин турида унли ҳарфдан кейин "тө" ҳарф бирикмаси келади.

а + re [ɛə] чўзиқ товуш. Ўзбек тилидаги "эе" ҳарф бирикмасининг талаффузига бир оз ўхшаш. Бундай ҳолатда иккинчи ўринда турган [e] товуши жуда қисқа, деярли ярим талаффуз этилади.

а + re [ɛə] - эе

dare [dɛə] - дәе

o + re [ɔ:] "о" ҳарфининг 3 - тур бўгиндаги ўқилиши билан ўхшаш.

more [mɔ:]- мўй

eere [iə] - иэ

ўзбек тилидаги "иэ" ҳарф бирикмасининг ўқилишига ўхшаш. Бироқ иккинчи товуш [ə] жуда қисқа талаффуз этилади.

here [hiə] - хиэ

ure [juə] ўзбек тилидаги "юэ" ҳарф биримасининг ўқилишига ухшаш.

pure [prjuə] - пюэ

ire [aiə] ва - уте ўзбек тилидаги "айэ" ҳарф бирималари-нинг ўқилишига ухшаш.

fire [faɪə] - файэ, tyte [taɪə] - тайэ

Шундай қилиб сиз, инглиз тилидаги унли ҳарфларниң түрт хил бўгин турида ўқилишини ўзбек тили билан қиёслаган ҳолда кўриб чиқдингиз. Лекин Бу ҳали сиз унлilarни тўгри талаффуз қилишни ўрганиб олдингиз деган гап эмас. Бунинг учун эса кўп машқ қилишингиз керак.

Хозир эса қуйида берилган машқларни тингланг ва сухандондан кейин унинг овозига ухшатишга ҳаракат қилиб қайтaring.

## 1 - турп

### A a [ei]

Kate [keit]

plate [pleit]

take [teik]

date [dei̯]

make [meik]

blame [bleim]

fade [feid]

made [meid]

same [seim]

Ёг олинг: Kate, don't take the cake from  
the plate, it's for Mr.Blake.

### O o [ou]

no [nou]

go [gou]

mole [moul]

so [sou]

Ёг олинг: Oh, no, don't go home alone.

tone [toun]

nose [nouz]

note [nout]

hope [houp]

rose [rouz]

bone [boun]

robe [roub]

## E e [i:]

he [hi:]  
meter [mi:tə] *Ёг олинг:* Pete and Peter, look at the meter.  
me [mi:]  
Peter [pi:tə]  
she [ʃ i:]  
Pete [pi:tə]

## I i [ai]

mike [maik]  
nine [nain]  
kite [kait] *Ёг олинг:* Mike is nine, the kite is fine.  
mine [main]  
pipe [paip]  
fine [fain]  
tide [taid]  
bride [braid]

## Y y [ai]

my [mai]  
fly [flai]  
dry [drai] *Ёг олинг:* The little fly is in the sky.  
try [trai] Why not try to catch the fly.  
fry [frai]  
why [wai]  
cry [krai]  
spy [spai]  
sky [skai]  
type [taip]

## U u [ju:]

tube [tju:b]  
unit [ju:nit]  
mute [mju:t] *Ёг олинг:* Sue used the tuner and  
usage [ju:sidʒ] tuned the radio to music.  
tune [tju:n]  
use [ju:z]  
tuner [tju:nə]  
super [sju:pə]

## 2 - түр

### A a [æ]

map	[mæp]
cap	[cæp]
cat	[kæt]
pat	[pæt]
sat	[sæt]
hat	[hæt]

Ег олинг: That black cat sat on a hat.

### O o [ɔ]

on	[ɔn]
hot	[hɔt]
pot	[pɔt]
not	[nɔt]
frost	[frɔst]
cost	[kɔst]

Ег олинг: Tom has got a clock  
but not a spotty dog.  
Tom, Molly has got a spot  
on her frock.

Бу сүзлар камида беш мароғаба қайтарилиши шарт.

### E e [e]

Ben	[ben]
tent	[tent]
men	[men]
help	[help]
pen	[pen]
pencil	[pencil]
mend	[mend]
Betty	[beti]
send	[send]
well	[wel]

### I i [i]

in	[in]
still	[stil]
sit	[sit]
hit	[hit]
is	[iz]
his	[hiz]
middle	[midl]
Nick	[nik]
ship	[sip]

Ег олинг: Little Bill sit still if you sit  
still, little Bill, Jimmy Nill will  
bring you to a big hill.

## Y y [i]

myth [miθ]  
mystery [misteri]  
symphony [simfəni]  
sindicate [sindikit]  
synonym [sinənim]  
system [sistim]  
syringe [sirindʒ]

*Ёг олиңг:* Syd, "Symphony" and  
"syndicate" are not synonyms  
of "system" and "syringe".

## U u [ʌ]

nut [nʌt]  
struck [strʌk]  
cut [kʌt]  
structure [strʌktʃə]  
cup [kʌp]  
much [mʌtʃ]  
but [bʌt]  
such [sʌtʃ]

*Ёг олиңг:* But, Tudd you mustn't  
strike the bucket.

## 3 - түр

### A a [ɑ:]

a + r [ɑ:]  
car [ka:]  
card [k:d]  
bar [ba:]  
art [a:t]  
park [pa:k]  
barder [ba:də]  
mark [ma:k]  
marble [ma:bl]

*Ёг олиңг:* Mark, don't park your car  
near the bar.

### O o [ɔ:]

o + r [ɔ:]  
for [fɔ:]  
North [nɔ:θ]  
form [fɔ:m]  
norm [nɔ:m]  
formal [fɔ:məl]  
organism [ɔ:gənizm]  
forty [fɔ:ti]  
born [bɔ:n]

*Ёг олиңг:* George Forest wasn't born  
in the North of Norway.

## U u [ə:]

u + r [ə:]

turn [tə:n]

purl [pə:l] *Ег олиңг:* Turkoman turner turned and went  
burn [bə:n] down to his turnery.

sur [sə:]

burst [bə:st]

turner [tə:nə]

turnip [tə:nip]

## E e [ə:]

er [ə:]

her [hə:]

fern [fə:n]

stern [stə:n]

fermant [fə:mənt]

Bert [bə:t]

herd [hə:d]

merchant [mə:tʃnt]

mercy [mə:si]

*Ег олиңг:* The herd and Bert didn't  
see her pearl.

## I i [ə:]

i + r [ə:]

sir [sə:]

girl [gə:l] *Ег олиңг:* Sir Sydney was the first who saw  
thirst [θə:st] the first night on the thirty  
thirsty [θə:sti] first of March.

bird [bə:d]

third [θə:d]

thirteen [θə:tɪ:n]

thirty [θə:ti]

## Y y [ə]

y + r [ə:]

myrtle [mə:tl]

## 4 - тип

### A a [ɛə]

- are [ɛə]

bare [bɛə]

care [kɛə]

*Ег олинг:* Miss Clare carefully looked at the hare.

spare [spɛə]

tare [tɛə]

hare [hɛə]

harebell [hɛəbel]

fare [fɛə]

farewell [fɛəwel]

### O o [ɔ:]

- ore [ɔ:]

more [mɔ:]

core [kɔ:]

*Ег олинг:* Core has a sore forefinger and moreover, she looked more and more at her sore forefinger.

bore [bɔ:]

forebore [fɔ:bɔ:]

sore [sɔ:]

forecast [fɔ:ka:st]

forefinger [fɔ:fɪŋə]

moreover [mɔ:rəʊvə]

pore [pɔ:]

### U u [juə]

ure [juə]

pure [pjuə]

cure [kjue]

### E e [ə]

- ere [iə]

here [hɪə]

merely [miəli]

*Ег олинг:* Here after,no interference is allowed here.

mere [miə]

interfere [intəfiə]

interference [intəfiərəns]

## I i [aiə]

- ire, -ute [aiə]

wire [waiə]

admire [ədmajə] Eg олинг: Don't admire the wireless, and  
tire [taɪə] take the wire but not the tyre.

tyre [taɪə]

wire [waiə]

wireless [waiəlɪs]

require [rɪkwaɪə]

Шундай қилиб, ҳурматли китобхон, сиз инглиз тилидаги унли ҳарфларнинг ўқилиш сирлари билан танишиб чиқдингиз ва берилган машқларни бажардингиз. Агар уларни талаффуз қилишда қийналсангиз, ушбу машқларни бир неча бор қайта эшигинг ва сухандоннинг овозига ўхшатиб талаффуз қилишга ҳаракат қилинг. Шуни унутмангки, талаффуз кўникмаларини ҳосил қилиш учун сўзларни қайта-қайта ўқиш, такрорлаш керак.

Энди эса бир муаммо – айрим ундош ҳарфларнинг икки хил ўқилиши ва ундош ҳарф бирикмаларининг ўқилиш сирлари билан танишмай туриб инглиз тилида тўғри ўқиш мумкин эмас. Қуйида сизни ушбу сирлардан огоҳ қиласиз.

**Айрим ундош ва унли ҳарф бирикмаларининг ўқилиши**

Gg ҳарфи икки хил ўқилишга эга [g] ва [dʒ]:

1. Бу ҳарф одатда [g] ("гул" сўзидағи "г") товушига ўхшаш ўқиласиди:

big [big], fog [fɒg], tig [tɪg], smog [smɒg]

2. G g ҳарфи i,y,e ҳарфларидан олдин келганда эса ўзбек тилидаги "жуда" сўзида келаётган "ж" товушига ўхшаб [dʒ] бўлиб талаффуз қилинади:

large [la:dʒ], gipsy [dʒipsi], cage [keɪdʒ]

Gilbert [dʒilbət], general [dʒenərəl],

gymnasia [dʒimneɪzɪə]

**Эслатма.** Бироқ ушбу қоидадан мустасно ўқиласиган сўзлар ҳам учраб туради. Масалан: get [get]. Бундай сўзларнинг ўқилишини лугатдан топиб ўқинг ва эслаб қолинг.

## С с ҳарфи ҳам икки хил ўқилишга эга:

1. У одатда [k] бўлиб ўқиласди.

cat [kæt], cap [kæp], call [kɔ:l], calendar [kælində]

2. i, e, у ҳарфларидан один келганда эса [s] бўлиб ўқиласди.

Cinema [sɪnɪmə], circle [sə:kɪ], civil [sɪvɪl], certify [sə:tɪfai],  
certainly [sə:tnli], cycle [saɪkl]

## «th» ҳарф бирикмаси ҳам икки хил ўқилишга эга:

1. Одатда кўпчилик мустақил маънога эга бўлган сўзларда [θ] бўлиб ўқиласди. Бу товуш ўзбек тилида бўлмаганлиги сабабли унинг ўқилишига эътибор беринг ва машқ қилганда сухандоннинг талаффузига ўхшатиб талаффуз қилишга ҳаракат қилинг:

thin [θɪn], thing [θɪŋ], theme [θi:m],

Smith [smiθ], teeth [ti:θ], tooth [tu:θ]

2. Ёрдамчи сўзларда, олмошларда ва мустақил маънога эга бўлган сўзларнинг охирида, унлилар ўртасида келганда «th» ҳарф бирикмаси одатда [ð] бўлиб ўқиласди. Бу товуш ҳам ўзбек тилида йўқлиги учун унинг талаффузини кўп маротаба машқ қилинг:

the [ðə], they [ðei], this [ðis], them [ðem],

these [ði:z], then [ðen], bathe [beɪð]

Бу ҳар иккала қоидага ҳам мос келмайдиган жуда кўп сўзлар борки, уларнинг ўқилишини эслаб қолиш ва ёдда сақлаган ҳолда кўп марта такрорлаш керак. Бундай сўзлардаги «th» ҳарфи бирикмасининг ўқилишини ўрганишдаги сизнинг энг яқин ёрдамчингиз лугатда келтирилган ва сўзларнинг тўғри ўқилишини кўрсатувчи транскрипцион белгилардир.

Қаранг, тингланг ва қиёсланг:

breathe [breθ], breathe [bri:ð], wealth [welθ], weather [weðə],  
bath [ba:θ]

“ch” ҳарф бирикмаси [tʃ] бўлиб ўқиласди, яъни ўзбек тилидаги “чинор” сўзида келган “ч” ҳарфининг ўқилишига ўхшаб кетади:

chess [tʃes] – чес chess [tʃest] – чест

cherry [tʃeri] – чэри chicken [tʃikn] – чиқн

bench [bentʃ] – бэнч lunch [lʌntʃ] – ланч

"tch" ҳарф бирикмаси ҳам [tʃ] бўлиб ўқилади:

watch [wətʃ] - увотч, catch [kætʃ] - кэтч

"sh" ҳарф бирикмаси [ʃ] бўлиб, яъни ўзбек тилидаги "ш" ҳарфининг ўқилишига ўхшаб талаффуз қилинади:

shop [ʃɔp] - шоп ship [ʃɪp] - шип  
shelf [ʃelf] - шелф shift [ʃift] - шифт  
shake [ʃeɪk] - шейк

"-tion" бу ҳарфлар бирикмаси [ʃən] - шн бўлиб ўқилади:

action ['ækʃn] - экшн  
adaptation ['ædæptəiʃn] - эдэптэйшн  
addition [ə'diʃn] - эдишн  
selection [si'leksn] - сийлэкшн  
devotion [di'veuʃn] - дивоушн

"-sion" бу ҳарфлар бирикмаси ҳам [ʃn] бўлиб ўқилади:

session [seʃn] - сэшн  
permission [pəmɪʃn] - пэмишн  
procession [prəsesn] - прэсэшн

"-sion" баъзи сўзларда рустилидаги "жизнь" сўзида келган "ж" ҳарфининг талаффузига ўхшаб ўқилади:

confusion [kən'fju:ʒn] - конфюжн

"ph" ҳарф бирикмаси [f] бўлиб ўқилади, яъни ўзбекча [ф] товуши кабит талаффуз этилади:

photo [foutou] - фотоу  
phone [foun] - фоун  
philosophy [filosəfi] - философи  
phrase [freiz] - фрэйз  
physical [fizikəl] - физикэл

"-igh" ҳарфларининг бирикмаси [ai] бўлиб ўқилади:

sigh [sai] - сай right [rait] - рейт  
bright [braɪt] - брайт high [hai] - хай  
highly [haɪli] - хайли

KUTUBXONA  
TEAI



**"gh" ҳарф бирикмаси сүз бошида келганда "h" ҳарфи үқилмайды:**

gharry [gærɪ] - тари, ghastly [ga:stli] - гостли  
ghost [goust] - гоуст

**"-sure" ҳарф бирикмаси [зэ] бўлиб үқилади:**

measure [mezə] - мажэ pleasure [plezə] - плэжэ  
treasure [trezə] - трэжэ leisure [leizə] - лэйжэ

Агар -sure ҳарф бирикмасидан олдин "s" ҳарфи келса, бу ҳарф бирикмаси [ʃ] бўлиб үқилади:  
pressure [preʃə] - прэшэ

**"wh" ҳарф бирикмасидан кейин "o" ҳарфи келганда "w" ҳарфи үқилмайди, "h" ҳарфи эса [h] бўлиб үқилади:**

who [hu:] - хуу, whom [hum] - хум, whose [hu:z] - хууз

Қолган барча ҳолларда «wh» ҳарф бирикмасидаги «w» ҳарфи үқилади, «h» ҳарфи эса үқилмайди.  
what [wɒt], when [wen], where [wεə], which [wɪtʃ], why [wai]

### **Унли диграфларнинг үқилиши**

**ei, ey - бу диграфлар [ei] «эй» бўлиб үқилади:**

vein [veɪn] - вэйн ley [leɪ] - лэй  
Leiden [leidn] - лэйден neɪbəur [neɪbə] - нэйбэ

**oi, oy диграфлари [oi] «ой» бўлиб үқилади:**

oil [ɔɪl]	- ойл	boy [bɔɪ]	- бой
coin [kɔɪn]	- койн	toy [tɔɪ]	- той
point [poɪnt]	- пойнт	royal [rɔɪəl]	- ройэл
pointer [poɪntə]	- пойнтар	soil [sɔɪl]	- сойл
poison [poizn]	- пойзн	spoil [spoɪl]	- спойл

**«oo» диграфи одатда [u:] «уу» бўлиб үқилади:**

too [tu:]	- туу	moon [mu:n]	- муун
soon [su:n]	- суун	spoon [spu:n]	- спуун
tooth [tu:θ]	- туус		

"оо" диграфидан кейин "к" ұрғы келса бу диграф қисқа [u] "ү" бўлиб ўқилади:

book [ buk] - бук, look [luk]- лук, took [tuk]-тук.

Лекин баъзи сўзларда "о" диграфидан кейин "к" ҳарфи келмаса ҳам ушбу диграф қисқа [u] бўлиб ўқилади:

good [gud]-гуд, wood [wud] -вуд, stood [stud] -студ.  
Бундай сўзларнинг ўқилишини эслаб қолиш керак:

“ау” диграфи [ɔ:] булиб үқилади:

author [ɔ:θə] -үүфэ autumn [ɔ:təm] -үүтм  
automatic [ɔ:təmætik] -үүгэматик launch[lo:nʃ] -лүүнч

"aw" диграфи [ɔ:] бўлиб ўқилади:

saw [sɔ:] - սայ hawk [hɔ:k] - հայկ  
law [lɔ:] - լայ

"оу" диграфи [au] бўлиб, яъни ўзбекча "ay" га ўхшаш ўқилади:

out [aut] - аут	without [wiðaut] - визаут
count [kaunt] - каунт	outlook [autluk] - аутлук
pound [paund] - паунд	sound [saund] - саунд

Бироқ, айрим сузларда "au" диграфи [ʌ] бўлиб, яъни узбекча «қанд» сўзидағи "а" нинг талаффузига бир оз үхшаш талаффуз этилади. Бу сўзларнинг талаффузини эслаб қолинг.

country [kʌntri]-қантри  
cousin [kʌzn]-қазн  
young [jʌŋ] - юнг

Шунингдек, қуйидаги сўзларнинг ўқилишини ҳам эслаб қолиш керак, чунки бу сўзларда "ou" диграфи [u:] бўлиб, яъни ўзбекча "у" га ухшаш талаффуз қилинади:

youth [ju:θ] - ю<sup>ф</sup> group [gru:p] - груп<sup>п</sup>  
soup [su:p] - суп trouble [ru:bl] - ру<sup>бл</sup>

"ow" диграфи одатда ургули бўғинда келганда [au] бўлиб талаффуз қилинади:

how [hau]	- xay	bow [bau]	- бау
town [taun]	- таун	brown [braun]	- браун
now [nau]	- нау	powder [paudə]	- паудэр
power [rauə]	- науэр		

**"ow" диграфи сўз охирида ургусиз ҳолатда келганда эса  
"ўпка" сўзидағи "ў" та ўхшаш [ou] бўлиб ўқилади:**

window [windou] - уиндоу	sparrow [spærou] - спароу
tomorrow [təmərgou] - тумороу	Moscow [mɔskou] - москоу
Glasgow [glægzgou] - глазгоу	

Бироқ айрим сўзларда "ow" диграфи гарчи ургули бўғинда келса-да [au] бўлиб эмас, балки [ou] бўлиб ўқилади. Шунинг учун бундай сўзларнинг ўқилишини кўп марта қайтаришга ва эслаб қолиш керак.

sow [sou] - соу	low [lou] - лоу
own [oun] - оун	owner [ounə] - оунэ
bowl [boul] - боул	

**"ai" ва "ay" диграфлари [ei] бўлиб ўқилади.**

**Бу ўзбек тилидаги "эй" та ўхшаш:**

maid [meid] - мэйд	main [mein] - мэйн
rain [rein] - рэйн	fail [feil] - фэйл
faint [feint] - фэйнт	day [dei] - дэй
say [sei] - сэй	lay [lei] - лэй
layer [leiə] - лэйе	may [mei] - мэй

**"ie" ва "ye" диграфлари одатда [ai] бўлиб ўқилади:**

tie [tai] - тай	pie [pai] - пай
piēd [paid] - пайд	rye [rai] - рай
bye-bye [bai-bai]	- бай-бай

Бироқ айрим сўзларда "ie" диграфи [i:] бўлиб, яъни "ти-йин" сўзидағи "ий" ҳарф бирикмасига ўхшаб ўқилади:

field [fi:ld] - фийлд	believe [ bili:v] - билийв
shield [ʃ i:ld] - шийлд	yield [ ji:ld] - йилд

**"oa" ҳарф бирикмаси одатда [ou] бўлиб ўқилади, яъни  
ўзбек тилидаги "ўпка", "ўлка" сўзларидағи [ou]:  
тovushi kabi:**

boat [ bout] - боут	coat [kout] - коут
soap [soup] - соуп	road [roud] - роуд
roam [roum] - роум	roast [roust] - роуст
moan [moun] - моун	

**"oe" диграфи ҳам [ou] бўлиб ўқилади:**

toe [tou]- туу, poem [poʊɪm] - поуим, woe [wou] - увоу

**"ue" диграфи [ju:] бўлиб ўқилади :**

due [dju:] - дю, hue [hju:] - жю, Tuesday [tju:zdi] - тюзди

**"ui" диграфи ҳам [ju:] бўлиб ўқилади :**

suit [sju:t] - сют гүир [rju:n] - рюн  
suitor [sju:tə] - сютэ suitable [sju:təbl] - сютэбл

Бироқ "ui", "ue" диграфидаги ҳар иккала ҳарфлар алоҳида ўқилиш жоллари ҳам кўп учрайди. Масалан:

tuition [tju:iʃn] - тюишин, puissant [pjusənt] - пюснти,  
muezzin [muəzin] - муэзин

Бироқ "ue" ва "ui" диграфлари [ʌ], [l] ва [d] товушларидан кейин келса [u:] бўлиб ўқилади.

blue [blu:] - блуу, fruit [fru:t] - фруут, juice [dʒu:s] - жуус

**"eu", "ew". Бу ҳар иккала диграф одатда [ju:] бўлиб ўқилади, ўзбек тилидаги "ю" товушига ўхшаш:**

neutral [nju:trel] - нютрэл , few [fju:] - фю,  
new [nju:] - нео, pseudonym [psju:dənim] - псюдэним

**"ue" сўз бошида келганда [ju:] бўлиб ўқилади:**

Eucklid [ju:kliid] - юклид  
euclogist [ju:k lidʒist] - юкледжист

Бироқ ҳар иккала диграф ҳам [r], [l] ва [dʒ] товушларидан кейин келганида [u:] бўлиб, яъни ўзбекча "уу" товушига ўхшаш талаффуз қилинади.

blue [blu:] - блуу, drew [drju:] - друу, Jew [dʒu:] - джуу

Диграфлардан кейин "г" ҳарфининг келиши шу диграфларнинг ўқилишига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам қўйида берилгани мисоллардаги "г" ҳарфидан олдин келган диграфларнинг ўқилишига эътибор беринг ва эслаб қолинг.

## ai + r [ɛə] - эе

air [ɛə] - эе ёки эйе

chair [tʃɛə] - чэйе, dairy [dɛəri] - дэйэри

## eir [ɛə] - эе

their [ðɛə] - зэе

Эътибор беринг, "h" ҳарфи ушбу ҳарфлар бирикмаси-дан олдин сўз бошида келганда ўқилмай қолади.

heir [ɛə] – эе, heirdom [ɛədəm] - эйедем,  
heiress [ɛəris] - эйерис

## eer [iə] - иэ

beer [biə] - биэ, deer [diə] - диэ,  
deerskin [diəskin] - диэскин

## ear [iə] - иэ

near [niə] - ниэ , hear [hiə] - хиэ,  
hearsay [hiəsei] - хиэсей

Бироқ айрим сўзларда бу ҳарфларнинг бирикмаси [ə:]  
бўлиб ўқиласди.

learn [lə:n] - лээн , earth [ə:θ] - ээф  
Бундай сўзларни эслаб қолиш керак.

"heart" сўзи билан биришиб ҳосил бўлган барча сўз ва  
иборалардаги ушбу ear ҳарф бирикмаси [ə:] булиб ўқиласди.

hearty [ha:ti]	heartless [ha:tli:s]
heartsick [ha:tsik]	heart-to-heart [ha:t-tə-ha:t]

## oar [ɔ:] - ўӯ

board [bɔ:d] - буӯд

hoard [hɔ:d] - хуӯд

hoarse [hɔ:s] - хуӯс

boarding-house [bɔ:diŋ-hau:s] - буӯдингхаус

## oor [uə] - уэ

poor [puə] - пуэ, boorish [buəriʃ] - буэриш, moor [muə] - муэ

Бироқ door ва floor сўзларида ва шу сўзлар билан бирикиб ҳосил бўлган сўзларда "oog" [ɔ:] бўлиб, яъни ўзбек тилидаги "ўғил" сўзида келган "ў" ҳарфи қаби ўқиласди.

door [dɔ:] - дўй  
doorbell [dɔ:bel] - дўйубел

floor [flo:] - флуў  
doorstep [dɔ: step] - дўйустеп

### our [auə] - ауэ

our [auə] - ауэ , t<sub>l</sub>our [ flauə]- флауэ

Бу ҳарф бирикмаси [ɔ:] бўлиб ҳам ўқиласди.

mourn [mɔ:n] - мўун, four [fɔ:] - фўў,  
fourfold [fɔ: fould] - фўўфоулад

Баъзи сўзларда эса [ʌ] бўлиб ўқиласди.

flourish [flʌnɪʃ] - флариш  
flourishing [flʌnɪʃɪŋ] - фларишинг

Ҳурматли китобхон! Юқорида кўриб ўтганингиздек, яъни инглиз тили унлиарининг тўрт хил бўгин турида турлича ўқилиш қоидалари ва диграфларнинг ҳамда ҳарф бирикмаларининг ўқилиши **сизлар** учун анча қийинчилик тўғдиради. Лекин бундай пайдада сизнинг энг яқин ёрдамчингиз борлигини унутманг. У ҳам булса лугатdir. Сизлар лугатдан ўқилиши қийин бўлган сўзларни топиб, уларнинг транскрипциядаги ёзуви ёрдамида ўқилишини эслаб қолинг. Инглиз тилидаги фонемаларни (нутқ товушларини) яхши ўзлаштириб олиш учун уларни сухандондан сўнг қайта-қайта тақрорлашни унутманг. Сўнгра юқорида берилган фонетик машқдарни ўқиб, ўзингизнинг талаффузингизни магнит тасмасига ёзинг ва сухандоннинг талаффузи билан қиёсланг. Шундай қилганидагина, хатосиз, равон ўқишни ўрганиб оласиз.

## II ҚИСМ МЕТОДИК КҮРСАТМА

Манта шундай қилиб, сиз инглиз тили алифбосидаги ҳарфлар ва уларнинг ўқилиш сирларини билиб олдингиз. Бу билан сиз инглизча сўзларни ва гапларни ўқишини ва талаффуз қилишини ўргандингиз. Бироқ бу гапиришни ҳам билиб олдингиз деган гап эмас. Сўзларни бир-бирига қўшиб гаплар ҳосил қилиш ва улар орқали фикрингизни чет тилида ифода қилиш анча мураккаб нарса.

Баъзан биз инглиз тилидаги берилган барча сўзларни биладиганга ўхшаймиз-у, лекин гапни тушунмаймиз. Ёки таниш сўзлар ёрдамида инглизча гап тузамиз, бироқ бу гапни инглиз қишиси тушунмайди. Сабаби нимада экан? Бунинг сабаби шуки, сўзларнинг бир-бирлари билан болганиши, уларнинг гапдаги тартиби ўзбек ва инглиз тилларида ҳар хил.

Таниқли методист олим Паул Робертс «Грамматика бу гаплар ҳосил қилувчи механизм» деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, биз ана шу механизм ҳақида ҳеч бўлмагандა қисқача маълумотга эга бўлмасдан туриб инглиз тилида тўғри гап тузса олмаймиз.

Шунинг учун ҳам, ҳурматли китобхон, биз инглиз тили грамматикаси ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтишни мақсадгә мувофиқ деб топдик. Сиз қўйида берилган грамматик ҳодисаларни уларнинг ўзбек тилидаги муқобили билан солиширинг ва тушуниб олишга ҳаракат қилинг. Берилган кўрсатмаларга амал қилган ҳолда машқларни бажаринг. Айниқса инглиз тилидаги сўз тартибини яхшилаб эслаб қолинг, чунки гапдаги сўз тартибининг бузилиши шу гапнинг маъносини ўзгартириб юборади ва тушунишни қийинлаштиради.

## PERSONAL PRONOUNS

### КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

I – мен

You – сиз/сизлар

He – у (эркак жинсига нисбатан)

She – у (аёл жинсига нисбатан)

It – у (нарса ва ҳодисаларга нисбатан)

We – биз

They – улар

#### *Кишилик олмошларининг қўлланилиши*

I speak English. – Мен инглизча гапираман .

You speak English. – Сиз инглизча гапирасиз .

He speaks English. – У инглизча гапиради .

She speaks English. – У инглизча гапиради .

It (radio) speaks English. – У (радио) инглизча гапиради .

We speak English. – Биз инглизча гапирамиз .

They speak English. – Улар инглизча гапиришади .

### ЁДДА САҚЛАНГ

Ўзга бир шахс ҳакида сўз кетганда феълга «-s» ёки «-es» қўшимчаси қўшилади.

Масалан: Ben speaks Uzbek. He knows Uzbek well.

Бен ўзбекча гапиради. У ўзбекчани яхши билади.

Bessy washes the plates after dinner every day.

Хар кунни тушлиқдан сўнг Бэсси тарелкаларни ювив қўяди.

Энди эса қуйида берилган сўзлардан фойдаланиб, гаплар тузишни машқ қилинг.

Pattern :

I play tennis.

You play tennis.

He plays tennis.

She plays tennis.

It plays tennis.

We play tennis.

They play tennis.

read an English book

— инглизча китоб ўқимоқ

go to work

— ишга бормоқ

go home

— уйга кетмоқ

work

— ишламоқ

live in Andijon

— Андижонда яшамоқ

### ***Кишилик олмошларининг объектив келишикдаги шакли***

me — мени/менга

you — сизни/сизга/сизларни/сизларга

him — уни/унга (эркак жинсига нисбатан)

her — уни/унга (аёл жинсига нисбатан)

it — уни/унга (нарса ва ҳодисаларга нисбатан)

us — бизни/бизга

them — уларни/уларга

Pattern :

1. Mr.Bell saw me . — Мистер Бэлл мени курди.

Mr.Bell saw you . — Мистер Бэлл сизни курди.

Mr.Bell saw him . — Мистер Бэлл уни курди.

Mr.Bell saw her . — Мистер Бэлл уни кўрди.

Mr.Bell saw it . — Мистер Бэлл уни кўрди.

- Mr.Bell saw us . — Мистер Бэлл бизни курди.
- Mr.Bell saw them . — Мистер Бэлл уларни курди.
2. Mr. Ahmedov gave me an English book. — Мистер Аҳмедов менга инглиз-ча китоб берди.
- Mr. Ahmedov gave you an English book. — Мистер Аҳмедов сизга инглиз-ча китоб берди.
- Mr. Ahmedov gave him an English book. — Мистер Аҳмедов унга инглиз-ча китоб берди.
- Mr. Ahmedov gave her an English book. — Мистер Аҳмедов унга инглиз-ча китоб берди.
- Mr. Ahmedov gave it an English book. — Мистер Аҳмедов унга инглиз-ча китоб берди.
- Mr. Ahmedov gave us an English book. — Мистер Аҳмедов бизга инглизча китоб берди.
- Mr. Ahmedov gave them an English book. — Мистер Аҳмедов уларга инглизча китоб берди.

### POSSESSIVE PRONOUNS

#### ЭГАЛИК ОЛМОШЛАРИ

my	— менинг
his	— унинг (эркакларга нисбатан)
her	— унинг (аёлларга нисбатан)
its	— унинг (нарса ва ҳодисаларга нисбатан)
our	— бизнинг
your	— сизнинг, сизларнинг
their	— уларнинг

Берилган намунаага кўра сўз бирикмалари ва гаплар тузинг.

Pattern 1.

my book

pen, office, house, car, town, table, brother, sister, son.

## Pattern 2.

This is my book .

My office, his car, their house, our room, our city, your note-book, her tea, his coffee.

### Эгалик олмошларининг мустақил шакли

mine	— меники
his	— уники (эркакларга нисбатан)
hers	— уники (аёлларга нисбатан)
its	— уники (нарса ва ҳодисаларга нисбатан)
ours	— бизничи
yours	— сизничи/сизларничи
theirs	— уларничи

Намунадан фойдаланиб эгалик олмошларининг гапда ишлатилишига эътибор беринг ва берилган гапларни инглиз тилига таржима қилинг.

## Pattern 1.

1. This is my book. — Бу менинг китобим.  
It is mine. — У меники.
2. This car is not mine. — Бу енгил машина меники эмас .  
It is his. — Бу уники.
1. Бу офис бизничи эмас.  
2. Бу уй уларничи.  
3. Бу стол меники эмас, у сизничи.  
4. Дилба р менинг ўрготим. Бу ручка уники.  
5. Хат стол устида. У сизничи.

### DEMONSTRATIVE PRONOUNS КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

This — бу (бирликдаги шакли), гапиравчига яқин турған нарса ёки шахсга нисбатан қўлланилади.

These — булар (кўплик шакли)

That — ана бу, у (бирлик шакли), гапиравчидан узоқроқ турған нарса ёки шахсга нисбатан қўлланилади.

Those — ана улар, анатилар (кўплик шакли).

Намунадан Фойдаланиб машқ қилинг.

Pattern 1.

This book.	—	Бу китоб
These books.	—	Бу китоблар
That book.	—	У китоб (анови китоб)
Those books.	—	У китоблар (ана у китоблар)

Инглиз тилида гаплар тузища кўп қўлланиладиган айрим феълларнинг замон, шахс ва сондаги шакларини билмасдан туриб тўғри гаплар тузиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ушбу феъллар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишни маъқул топдик.

1. Ҳолатни ифодаловчи «to be» (бўлмоқ) феъли.
2. Бирор нарсага эга эканликни ифодаловчи «to have» (бор, эга бўлмоқ) феъли.
3. Гапларнинг инкор ва сўроқ шаклини ҳосил қилишда ишлатиладиган «to do» ёрдамчи феъли.

Ушбу феъллар шахс, сон ва замонда турли шаклга эга бўлганликлари учун ҳам сиз азиз китобхонга анча қийинчилик тугдериши мумкин. Қуйида биз уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

### «To Be» бўлмоқ феъли

Бу феълнинг ҳозирги замон шакли қўйидагича.

to be  
/ | \\\  
am is are

Кишилик олмошлари билан шахсларда қўйидагича мослашади:

- I am \_\_\_\_\_  
He is \_\_\_\_\_  
She is \_\_\_\_\_  
It is \_\_\_\_\_  
We are \_\_\_\_\_  
You are \_\_\_\_\_  
They are \_\_\_\_\_  
Mr.Bell is \_\_\_\_\_  
The students are \_\_\_\_\_

**Масалан :**

- |   |  |
|---|--|
| I am a student.                             | — Мен талабаман.                             |
| He is a teacher.                            | — У ўқитувчи.                                |
| We are students.                            | — Биз талабамиз.                             |
| Ben is an English man.                      | — Бэн инглиз кишиси.                         |
| Mr.Bell and Mr.Breadly<br>are from England. | — Мистер Бэлл ва мистер<br>Брэдли Англиядан. |
| You are in my room.                         | — Сизлар менинг хонамдасан.                  |

Күйидаги гапларни инглиз тилига таржима қилинг.

1. Ахмедов иқтисодчи. Ү ҳозир хонада.
2. Диadora талаба. Ҳозир у дарсда.
3. Булар талаба. Улар институтгда.
4. Мистер Ахмедов Лондонда. Ҳозир у меҳмонхонада.
5. Бу китоб. У стол устида.

**Сўроқни англатганда «to be» феълининг тегишли шакли  
гапнинг бошида келади. Гапнинг охирида оҳанг  
кўтарилади.**

**Масалан :**

- |  |  |
|--|--|
| 1. Are you a student? ↗<br>Yes, I am. (No, I am not)                                       | — Сиз талабамисиз?<br>Ха. (Йўқ)                                  |
| 2. Is he at the lesson? ↗<br>Yes, he is. (No, he is not).                                  | — У дарсдами?<br>Ха. (Йўқ)                                       |
| 3. Are they in London? ↗<br>Yes, they are.<br>(No, they are not).                          | — Улар Лондондами?<br>Ха.<br>(Йўқ)                               |
| 4. Is Barno at home? ↗<br>Yes,she is.<br>(No,she is not).                                  | — Барно уйдами?<br>Ха.<br>(Йўқ)                                  |
| 5. Are Mr.Ahmedov and<br>Mr. Blake in the office ?<br>Yes, they are.<br>(No,they are not). | — Мистер Ахмедов билан<br>мистер Блэйк оғисдами?<br>Ха.<br>(Йўқ) |

**«To be» феълининг ўтган замон шакллари қўйидагича:**

**to be**

/      \  
was    were

Бу феъл шакларининг отлар ва олмошлар билан мосла-  
шувига эътибор беринг.

I was

He was

**She was**

It was

We were

You were

They were \_\_\_\_\_

## Масалан:

## Масалан:

I was here in the morning.

He was at home yesterday.

She was in her room.

It was on the table.

We were here at ten o'clock.

You were at the lesson.

They were at work.

Mr.Bell was in his office in  
the morning.

The students were at the English lesson.

— Мен эрталаб шу ерда эдим.

— У кеча уйда эди.

— У ўзининг хонасида эди.

— У стол устида эди.

— Биз соат үнда шу ерда эдик.

— Сиз дарсда эдингиз.

— Улар ишда эдилар.

— Эрталаб мистер Бэлл үзининг идорасида эди.

— Талабалар инглиз тили дарсида эдилар.

Энди эса қўйидаги гапларни инглиз тилига таржима қилинг. «to be» феълининг ўтган замондаги тегишли шаклини қўллашни унұтманг.

1. Мен соат олтида уйда эдим.
  2. Бу мистер Блэйк. У кеча Тошкентда эди.
  3. Биз эрталаб уйда эдик.
  4. Улар соат саккизда офисда эдилар.
  5. Менинг портфелим стол устида эди.

Суроқ шакланинг ҳосил бўлишига эътибор беринг.

1. Were you in Tashkent yesterday? – Сиз кече Тошкентда эдингизми?  
Yes, I was. (No, I was not). – Ха. (Йўқ).

2. Was she at work in the morning? – У эрталаб ишда эдими?  
Yes, she was. (No, she was not). Xа. (Йўқ).
3. Was Mr. Bell in the office at nine o'clock? – Соат тўққизда мистер Бэлл офисда эдими?  
Yes, he was. (No, he was not). Xа. (Йўқ).
4. Were your friends in the room? – Сизнинг дўстларингиз хонада эдими?  
Yes, they were. (No, they were not) – Xа. (Йўқ).

**«To be» феълининг келаси замон шакллари қуидагича ҳосил бўлади:**

**shall be  
will be**

Бу феъъл шаклларининг олмошлар билан мослашувига эътибор беринг.

- I shall be \_\_\_\_\_  
He will be \_\_\_\_\_  
She will be \_\_\_\_\_  
It will be \_\_\_\_\_  
We shall be \_\_\_\_\_  
You will be \_\_\_\_\_  
They will be \_\_\_\_\_

Масалан :

- I shall be twenty years old next year. – Мен келаси иили йигирма ёшга тўламан.
- He will be in his room after six o'clock. – Соат олтидан кейин у ўзининг хонасида бўлади.
- She will be here in five minutes. – У беш дақиқадан сўнг шу ерда бўлади
- It will be in Samarkand tomorrow morning. – У эртага эрталаб Самарқандда бўлади.
- We shall be second year students the next year. – Келаси иили биз иккинчи босқич талабалари бўламиз.

You will be a doctor in a year. — Сиз бир йилдан сүнг врач  
Бұласиз.

They will be here in an hour. — Бир соатдан кейин улар  
шу ерда бўлишади.

Энди эса сўроқ шаклининг тузилишига эътибор беринг.  
Бунда келаси замонни ифодаловчи «shall» ва «will»  
сўзларини гапнинг бошида келиши зарурлигини  
унутманг.

Shall I be here in the morning? — Бу ерда эрталаб  
бўлайинми?

Yes, you will. (No, you will not.) — Ҳа. (Йўқ).

Жавобда «will» шакли қўлланишига эътибор беринг.  
Сўроқ ўзга шахсга қаратилганлиги учун ҳам жавоб  
берувчи «сиз» (you) сўзини ишлатяпти ва шунга  
мувофиқ феълнинг «will» шакли қўлланиляпти.

Will you be in Tashkent tomorrow? — Сиз эртага эрталаб  
Тошкентда бўласизми?

Yes, I shall. (No, I shall not). — Ҳа. (Йўқ).

Бу ерда эса аксинча сўроқ сизга қаратилган ва  
сиз «мен» (I) сўзини ва шунга мос феълнинг  
«shall» шаклини қўллашингиз керак.

Will he be here after six? — У бу ерда олтидан  
кейин бўладими?

Yes, he will. (No, he will not). — Ҳа. (Йўқ).

Will she be here in five minutes? — У бу ерда беш минут-  
дан кейин бўладими?

Yes, she will. (No, she will not). — Ҳа. (Йўқ).

Will it be here in the afternoon? — У бу ерда туш  
пайтида бўладими?

Yes, it will. (No, it will not). — Ҳа. (Йўқ).

Shall we be the second year  
students next year — Келаси иили биз  
иккинчи босқич  
талабалари бўламиزمи?

Yes, you will. (No, you will not). — Ҳа. (Йўқ).

- Will you be a doctor in a year? – Бир йилдан сүнг врач бўласизми?
- Yes, I shall. (No, I shall not). – Ҳа. (Йўқ).
- Will Mr. Bell be in Andijon next week? – Келаси ҳафтада мистер Бэлл Андижонда бўладими?
- Yes, he will. (No, he will not). – Ҳа. (Йўқ).
- Will the students be at the lesson tomorrow? – Талабалар эртага дарсда бўладими?
- Yes, they will. (No, they will not). – Ҳа. (Йўқ).

Қўйида берилган сўзлардан фойдаланиб эртага ким қаерда бўлишини айтинг.

in Tashkent, in London, at work, at the shop, at the airport, in the market, in the hotel, in the office, in his new flat

- I shall be \_\_\_\_\_
- He will be \_\_\_\_\_
- She will be \_\_\_\_\_
- It will be \_\_\_\_\_
- We shall be \_\_\_\_\_
- You will be \_\_\_\_\_
- They will be \_\_\_\_\_
- Mr. Hakimov will be \_\_\_\_\_
- Mr Tomson and his friends will be \_\_\_\_\_

Қўйидағи тапларни эса инглиз тилига таржима қилинг.

- Мен эртага эрталаб оғисда бўламан.
- У эртага аэропортда бўлади.
- У (қиз) эртага дарсда бўлади.
- У (самолёт) эртага эрталаб Самарқандда бўлади.
- Биз эртага магазинда бўламиз.
- Сиз эртага эрталаб Москвада бўласиз.
- Улар эртага меҳмонхонада бўлишади.
- Мистер Дэйвидсон эртага Нью-Йоркда бўлади.
- Мистер Бэлл ва унинг ҳамроҳлари (companions) эртага бозорда бўлишади.
- Меҳмонлар (guests) эртага бизнинг мактабда бўлишади.



## **There is... ва there are... грамматик қурилмаси**

There is... ва there are... грамматик қурилмаларини (конструкцияларини) ўрганиш инглиз тилини эндиғина ўзлаштириб келаёттан сиз қаби китобхонларга инглиз тилида нарса ва ҳодисаларни тасвиrlашта қаратылған монологик нұтқни ўстиришга ва грамматик нұқтаи назардан түғри гаплар тузишга ёрдам беради. Бу грамматик қурилма маълум бир жойда бирор предмет ёки шахс борлигини ифодалаш учун ишлатилади.

Ўзбек китобхонлари ўрин-жойни ифодаловчи сўзлар ёки сўз бирикмалари билан бошлидан, иған гапларни инглиз тилида айтмоқчи бўлсалар, ҳеч иккиланмай «There is...» ёки «There are...» грамматик қурилмаларини қўллашлари мумкин.

### **Эслатма:**

There is... қурилмаси бирлик шаклида келган отлар олдида ишлатилади. Масалан, «Стол устида инглизча китоб бор» гапи инглиз тилида қуйидагича бўлади: «There is an English book on the table».

There are... қурилмаси эса кўплиқдаги отлар олдида ишлатилади.

«Стол устида инглизча китоблар бор»

There are English books on the table

Намунага кўра қуйида берилган сўзлардан фойдаланиб, гаплар тузишни машқ қилинг.

Намуна: There is...

There are...

a pen/on the table

a pencil/in the pencil box

books/in the bag

boys/in the room

an apple/on the plate

Қуйидаги инглизча гапларни ўзбек тилига таржима қилинг ва ўзбекчага ўтирилган гапларни ўрин-жойни ифодаловчи сўзлар билан бошланишига эътибор беринг.

1. There is a TV in the room. — Хонада телевизор бор.
2. There is a carpet on the wall. — Деворда гилам бор.
3. There are boys in the yard. — Ҳовлида болалар бор.
4. There are many English books on the bookshelf. — Китоб токкасида кўп инглизча китоблар бор.

Қуийдаги гапларни инглиз тилига ёзма таржима қилинг.

1. Деворда соат бор.
2. Менинг хонамда учта стул ва битта стол бор.
3. Сумкада китоблар бор.
4. Хонанинг ўртасида (in the middle of the room) стол бор.

### Эслаб қолинг!

**There** is... ёки **There** аге... грамматик қурилмаси орқали ифодаланган мазмун инглиз тилида бошқа қурилмалар ёрдамида ҳам берилиши мумкин.

#### Киёсланг:

1. **There** is a book on the table  
**The** book is on the table
2. **There** are letters and telegrams on the table.  
**The** letters and telegrams are on the table.

Ушбу қурилмаларнинг утган замон шакли «is» ёки «аге» ўрнига **to be** феълининг утган замон шаклини ифодаловчи «was» (бирликда) «were» (кўплиқда) ишлатилади. Масалан:

- 1) Кечада стол устида хат бор эди.  
**There was** a letter on the table yesterday.
- 2) Иккунчалик кун аввал бу хонада кўп стуллар бор эди.  
**There were** many chairs in this room two days ago.

Ушбу грамматик қурилманинг суроқ шаклини ҳосил қилишда «**to be**» феълининг тегишли шакли гап бошида келади. Масалан:

Is **there** a book on the desk?  
Are **there** many cars in the street?  
Yes, there are.

Бўлишсиз шаклини ҳосил қилишда эса «**to be**» феълининг шахсдаги шаклидан сўнг «not» ёки «no» инкор юкламалари ишлатилади. Масалан:

**There** is not a book on the table.  
Стол устида китоб йўқ.  
**There** are no magazines on the table.  
Стол устида журналлар йўқ.

## "To have" феъли

"To have" феъли ўзбек тилидаги "бор" сўзига муқобилдир. Ҳозирги замонда "to have" феълининг икки шакли ишлатилиди — "have" ва "has". Бу феълнинг олмошлар билан мослашувига эътибор беринг.

I have \_\_\_\_\_  
He has \_\_\_\_\_  
She has \_\_\_\_\_  
It has \_\_\_\_\_  
We have \_\_\_\_\_  
You have \_\_\_\_\_  
They have \_\_\_\_\_

**Эслатма:** Оғзаки нутқда ва инглиз тилининг Америкача кўринишида (вариантгида) "have got/has got" бирикмаси ишлатилиди.

I have got a book.  
He has got a pen.

Кўйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. I have an English book.
2. He has an Uzbek book.
3. She has a good friend.
4. This is a room. It has two windows.
5. We have an English lesson today.
6. You have many friends in Moscow.
7. The boys and girls have many friends.
8. Shohista and Shoira have a friend in New York.
9. They have a lesson on Monday.
10. He has got two ball-pens.

Кўйида берилган сўзлардан фойдаланиб кимда нима борлигини инглизча айтишни машқ қилинг.

a friend, a good pen, a house, a car, an apple, an office in Andijon, an English book, a new flat, a table, a telephone, a TV-set, two brothers, computers.

I have \_\_\_\_\_  
He has \_\_\_\_\_  
She has \_\_\_\_\_  
We have \_\_\_\_\_

You have \_\_\_\_\_  
 They have \_\_\_\_\_  
 Mr. Hakimov has \_\_\_\_\_  
 My friends have \_\_\_\_\_  
 Bessy has got \_\_\_\_\_

Сўроқ шаклиниң тузилишига эътибор беринг.

- |  |   |
|--|---|
| Have you a book? /                     | — Китобингиз борми?                               |
| Yes, I have.                           | — Ха.   |
| (No, I have not).                      | — (Йўқ).  |
| Has he a friend in London? /           | — Унинг Лондонда<br>дўсти борми?                  |
| Yes, he has. \ (No, he has not)        | — Ха. (Йўқ).                                      |
| Has Mr .. Bell a son? /                | — Мистер Бэллинг<br>үғли борми?                   |
| Yes, he has. (No, he has not)          | — Ха. (Йўқ).                                      |
| Have Murod and Nodir many<br>friends?  | — Мурод билан<br>Нодирнинг кўп<br>дўстлари борми? |
| Yes, they have.<br>(No, they have not) | — Ха. (Йўқ).                                      |

**Инглиз тилининг американча вариантида "to have" феъли  
қатнашган гапларнинг сўроқ ва инкор шаклини ҳосил  
қилишда ёрдамчи "do / does" феъли ишлатилади.**

Масалан:

Do you have a book?  
 We don't have an English book.  
 Does he have a tape-recorder?

**Ўтган замон учун «to have» феълининг фақатгина битта  
«had» шакли бор холос. Убарча шахсларда бир хил  
қўлланади.**

I had \_\_\_\_\_  
 She had \_\_\_\_\_  
 He had \_\_\_\_\_  
 It had \_\_\_\_\_  
 We had \_\_\_\_\_

You had \_\_\_\_\_

They had \_\_\_\_\_

Mr.Ahmedov had \_\_\_\_\_

Mr.Bell and Mrs.Bell had \_\_\_\_\_

I had many books last year. — Ўтган йили менда кўп китоблар бор эди.

She had three English books. — Унинг учта инглизча китоби бор эди .

He had a flat in Tashkent. — Унинг Тошкентда квартираси бор эди .

They had a big garden in the village. — Қишлоқда уларнинг катта боғи бор эди.

Mr . Bready had an office in Tashkent. — Мистер Брэдлиниг Тошкентда офиси бор эди.

This is my room. It had two windows last year. — Бу менинг хонам. Ўтган йили унинг иккита деразаси бор эди .

**Сўроқни ифодалаганда "had" гапнинг бошида келади, гап охирида эса оҳанг кўтарилади.**

Had he a telephone at home? — Унинг уйида телефони бормиди?

Had Mr. Bell an office in London? — Мистер Бэллинг Лондонда офиси бормиди?

Yes, he had. (No, he had not) — Ха. (Йўқ).

**Инглиз тилининг американча вариантида "to have" феълини ўз ичига олган гапларнинг сўроқ ва инкор шаклларини ҳосил қилишда ёрдамчи "do" феълининг ўтган замон шакли бўлмиш "did" қўлланади.**

Did you have a new suit ?

She didn't have an English text-book.

## **"To have" феъли келаси замон шаклининг ҳосил қилиниши.**

Келаси замонда бу феъл "shall" ва "will" ёрдамчи феъллари билан биргалиқда ишлатилади.

**shall have  
will have**

Бу феъл шакларининг олмошлар билан мослашувига эътибор беринг.

I shall have \_\_\_\_\_

He will have \_\_\_\_\_

She will have \_\_\_\_\_

It will have \_\_\_\_\_

We shall have \_\_\_\_\_

You will have \_\_\_\_\_

They will have \_\_\_\_\_

**Эслаб қолинг:** Мен (I) ва биз (we) деб гапирганингизда "shall" ишлатилади. Қолган барча шахсларда "will" ишлатилади.

Қўйидаги мисолларни ўқинг ва "to have" феълининг келаси замонда ишлатилишини ифодаловчи сўзларни эслаб қолинг.

1. I shall have this book tomorrow.
2. He will have the book tomorrow too.
3. She will have it next week.
4. We shall have a new school next year.
5. You will have this book next month.
6. They will have a new flat next month.
7. Mr. Bell will have the ticket for Tashkent tomorrow.
8. Mr .Ahmedov and Mr .Blake will have the telegram tomorrow.

## Сүроқни ифодалаганда “shall” ёки “will” сүзи гапнинг бошида келади.

Масалан :

1. Shall I have this book tomorrow? – Yes, you will.  
(No, you will not).
2. Will he have this book tomorrow too? – Yes, he will.  
(No, he will not).
3. Will she have a new dress next week? – Yes, she will.  
(No, she will not).
4. Shall we have a holiday next month? – Yes, you will.  
(No, you will not).
5. Will you have a holiday in two months? – Yes, I shall.  
(No, I shall not).
6. Will they have a new car next year? – Yes, they will.  
(No, they will not).
7. Will Mr.Blake have a ticket tomorrow? – Yes, he will.  
(No, he will not).
8. Will Mr.Bell and Mr.Ahmedov have tickets tomorrow? – Yes, they will.  
(No, they will not).

Кўйида берилган гапларни сўроққа айлантиринг.

Pattern : Mr.Hakimov will have a car tomorrow.  
Will Mr.Hakimov have a car tomorrow?

1. Betty will have a new dress next week.
2. They will have a new program next week.
3. You will have a meeting tomorrow.
4. The sportsman will have a new uniform next month.
5. Mr.Davidson will have the new model of this car tomorrow.
6. I shall have this book tomorrow.
7. We shall have this paper tomorrow.

## Эслатма:

Инглиз тилининг американча варианти келаси замон етакчи феъл олдидан барча шахсларда "will" ёрдамчи феълининг иштироки орқали ясалади. Масалан:

I will come tomorrow.  
You will come tomorrow.  
He will come tomorrow.  
She will come tomorrow.  
It will come tomorrow.  
We will come tomorrow.  
They will come tomorrow.

## ФЕЪЛ ЗАМОНЛАРИ

Азиз китобхон, маълумки, ўзбек тилида уч замон категорияси (ҳозирги, ўтган, келаси) мавжуд, инглиз тилида эса ўн олтига. Уларнинг ҳар бири маъно жиҳатдангина эмас, балки ўз шакли билан ҳам бир-бирларидан фарқ қиласи. Бу табиийки, сизнинг тўгри гаплар тузишингизда ва феъл замонларини бир-биридан фарқлашингизда қийинчилик тутдиради. Шунинг учун биз феълнинг грамматик замон категорияси ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтишни маъқул топдик.

Инглиз тилидаги феъллар икки катта гуруҳга бўлинади: **тўгри тусланувчи феъллар ва нотўгри тусланувчи феъллар**. Тўғри тусланувчи феълларнинг ўтган замон шакли "ed" қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Масалан : I worked at school last year.

Ўтган йили мен мактабда ишладим.

Нотўгри тусланувчи феъллар эса турлича шаклга эгалиги ҳамда сон жиҳатдан тўгри феълларга нисбатан оз бўлганлиги учун китобнинг сўнгидаги улар жадвалининг берилишини мақсадга мувофиқ деб топдик. Сиз бундай феълларнинг шаклини эслаб қолишингиз керак.

## THE PRESENT INDEFINITE TENSE НОАНИҚ ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Ушбу замон феълнинг бош шакли инфинитивдан ясалади:

I speak English.  
You speak English.  
We speak English.  
They speak English.

Бу замондаги феълнинг III шахс бирлигидә инфинитивга "-s" қўшимчаси қўшилади.

Масалан: He speaks  
She speaks  
It works . - У (машина) ишлайди.

**Эслатма:** "ss, sh, ch" ҳарф бирикмалари билан тугаган феъллардан сўнг III шахсдаги феъл шаклига "es" қўшимчаси қўшилади:

He washes his hands. - У қўлларини ювади.  
Every day the man passes by them. - Ҳар куни у киши улар олдидан ўтади.  
Bessy watches TV in the evenings. - Бэсси кечқурунлари телевизор кўради.

**Ноаниқ ҳозирги замондаги** феълнинг инкор шаклини ифодалашда ёрдамчи «do (does)» феълидан сўнг "not" инкор юкламаси келтирилади.

I do not read this text. - Мен бу матнни ўқимайман .  
He does not read this text. - У бу матнни ўқимайди .

**Эслатма:** "do" билан "not" қўшилиб "don't", "does" билан "not" қўшилиб "doesn't" бўлиб ёзилиши ва ўқилиши ҳам мумкин.

I don't know him. - Мен уни танимайман .  
He doesn't know us. - У бизларни танимайди.

Бу одатда оғзаки нутққа хосдир.

Сўроқни ифодалаганда ёрдамчи феъл "do" (does) эгадан олдин келади.

Do you know English? – Инглизча биласизми?  
Does he speak English? – У инглизча гапирадими?

Сўроқ гапнинг инкор шакли эса қўйидагича ҳосил бўлади:  
Don't you know English? – Инглизча билмайсизми?  
Doesn't he speak English? – У инглизча гапирмайдими?

**Топшириқ:** Қўйидаги гапларнинг сўроқ шаклини ёзинг.

На муна:

The boys play football. – Do the boys play football?  
She plays volleyball. – Does she play volleyball?

1. You speak Uzbek.
2. The children go to school.
3. The boys go home.
4. He reads a book.
5. Ben learns Uzbek.

## THE PAST INDEFINITE TENSE НОАНИҚ ЎТГАН ЗАМОН

Тўғри феълларнинг ўтган замон шакли уларга “ed” кўшимиғасини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Бу барча шахслар учун бир хилдир.

Масалан:

- |                     |                          |
|---------------------|--------------------------|
| I played tennis.    | – Мен теннис үйнадим.    |
| You played tennis.  | – Сиз теннис үйнадингиз. |
| He played tennis.   | – У теннис үйнади.       |
| She played tennis.  | – У (қиз) теннис үйнади. |
| We played tennis.   | – Биз теннис үйнадик.    |
| They played tennis. | – Улар теннис үйнадилар. |

**Эслатма:** Нотўғри феъллар ўтган замонда алоҳида шакла га эга. Шунинг учун ҳам уларни эслаб қолиш керак.

Масалан:

- |            |                      |
|------------|----------------------|
| I spoke    | – Мен гапирдим.      |
| You spoke  | – Сиз гапирдингиз.   |
| He spoke   | – У гапирди.         |
| She spoke  | – У (қиз) гапирди.   |
| It spoke   | – У (радио) гапирди. |
| We spoke   | – Биз гапирдик.      |
| They spoke | – Улар гапиришди.    |

Инкор маъносини ифодалашда "to do" ёрдамчи феълининг ўтган замон шакли "did" дан сўнг "not" инкор юкламаси ишлатилади.

Масалан:

- |                     |                        |
|---------------------|------------------------|
| I did not speak.    | — Мен гапирмадим.      |
| You did not speak.  | — Сиз гапирмадингиз.   |
| He did not speak.   | — У гапирмади.         |
| She did not speak.  | — У (қиз) гапирмади.   |
| It did not speak.   | — У (радио) гапирмади. |
| We did not speak.   | — Биз гапирмадик.      |
| They did not speak. | — Улар гапиришмади.    |

**Эслатма:** 1. "Did" феъли ишлатилганда асосий феълга хеч қандай қўшимча қўшилмайди.

2. "did" феъли "not" инкор юкламаси билан қўшилиб ёзилиши ва талафғуз қилиниши мумкин:

didn't  
I didn't speak.

Сўроқни ифодалаганда ҳам "did" феъли ишлатилади ва у доимо гапнинг бошида эгадан олдин келади.

- |                |                       |
|----------------|-----------------------|
| Did I work?    | — Мен ишладимми?      |
| Did you work?  | — Сиз ишладингизми?   |
| Did he work?   | — У ишладими?         |
| Did she work?  | — У (қиз) ишладими?   |
| Did it work?   | — У (радио) ишладими? |
| Did we work?   | — Биз ишладикми?      |
| Did they work? | — Улар ишладими?      |

Гапнинг сўроқ, ва инкор шаклларини ҳосил қилишда "not" инкор юкламаси ишлатилади.

Did he not go to school? (Didn't he go to school?)

- Эслатма:** yesterday — кеча  
the day before yesterday — ўтган куни  
last year — ўтган йили  
last month — ўтган ойда  
last week — ўтган ҳафта

каби сўзлар билан келган гапларда феълининг ўтган замон шакли қўлланади.

### Масалан:

- Last year I went to Samarkand. – Утган йили мен Самарқандга бордим.
- Yesterday they played football. – Кеча улар футбол ўйнашди.
- Last month the delegation of the businessmen visited London. – Утган ойда ишбилармонлар делегацияси Лондонга борди.
- I didn't see him the day before yesterday. – Мен уни ўтган куни кўрмадим.

**Топширик:** Қуийдаги гапларни инглиз тилида айтинг ва ёзинг.

1. Болалар кеча баскетбол ўйнашди.
2. Утган йили улар Тошкентда яшашган эди.
3. Биз бу матнни ўтган ҳафта таржима қилдик.
4. Утган ойда жаноб Блэйк Андижонга келди.
5. Талабалар ўтган куни дехқонларга (farmers) ёрдам беришди.

## THE FUTURE INDEFINITE TENSE НОАНИҚ КЕЛАСИ ЗАМОН

Феълларнинг келаси замон шакли уларнинг бош шакли олдидан "shall" ёки "will" ёрдамчи феълларидан бирини келтириш орқали ҳосил қилинади. Биринчи шахс бирлик (I - мен) ва кўплиқда (we - биз) "shall" ишлатилади. Қолган барча шахсларда (he., she., it .., you., they .) эса "will" ишлатилади.

- I shall go – Мен бораман  
He will go – У (эркак) боради  
She will go – У (аёл) боради  
It will go – У (бирор нарса, масалан, машина) боради  
We shall go – Биз борамиз  
You will go – Сиз борасиз (сизлар борасизлар)  
They will go – Улар боришади

**Эслатма:** Ўзбек тилида феълларнинг ҳозирги замонда ҳам, келаси замонда ҳам бир хил шакла эга эканлиги (масалан: Мен ҳар куни ишта бораман. Мен эртага ишга бораман.) ўзбек китобхони учун инглиз тилидаги PRESENT

INDEFINITE ва FUTURE INDEFINITE замонларида келган феъл шакларини тушуниб олишда ва ишлатишда қийинчилик түгдериши мумкин. Бундай ҳолатда бажариладиган иш-ҳаракат одатда бўлишлигини ёки нутқ сўзланиб турган пайтда бўлаётганлигини ажратиб олиш керак. Агар одатда бўлса, феълининг Present Indefinite замондаги шакли (I work), нутқ сўзланиб турган пайгдан кейин бўлса Future Indefinite замондаги шакли (I shall work) ишлатилади.

Ҳурматли китобхон, энди феъль замонларининг нутқ сўзланиб турган пайтда давом этаётган иш-ҳаракатини ифодаловчи гуруҳни кўриб чиқамиз. Маълумки, нутқ ҳозирги пайтда, ўтган замонда ёки келажакда давом этаётган бўлиши мумкин. Шунга кўра ҳозирги давомли замон (The Present Continuous Tense), ўтган давомли замон (The Past Continuous Tense) ва келаси давомли замон (The Future Continuous Tense) лар фарқланади.

## THE PRESENT CONTINUOUS TENSE ҲОЗИРГИ ДАВОМЛИ ЗАМОН

Ушбу замон "to be" феълининг ҳозирги замон шакли ва асосий феълининг -in- қўши мчасини олган шаклидан ташкил топади.

I <u>am writing.</u>	— Мен ёзаяпман
He <u>is writing.</u>	— У ёзаяпти
She <u>is writing.</u>	— У (қиз) ёзаяпти
It <u>is writing.</u>	— У (нарса) ёзаяпти
We <u>are writing.</u>	— Биз ёзаяпмиз
They <u>are writing.</u>	— Улар ёзаяпти

Ушбу замоннинг сўроқ шаклини ҳосил қилишда ёрдамчи феъл гапнинг бошида келади.

Am I writing? Is he writing? Are you writing?

Инкор шакли "not" юкламаси ёрдамида ҳосил қилиниб, у ёрдамчи феълдан сўнг ишлатилади.

I am not writing. They are not playing. She is not speaking.

**Эслатма:** to go, to come, to leave, to start каби феъллар билан ишлатилганда ҳозирги давом этаётган замондаги (The Present Continuous Tense) феъл келгусида бўладиган иш-ҳаракатни ҳам ифодалашни мумкин. Масалан:

I am going to Tashkent tomorrow.

Мен эртага Тошкентга кетаяпман.

## THE PAST CONTINUOUS TENSE ҮТГАН ДАВОМЛИ ЗАМОН

Ушбу замон «to be» феълининг ўтган замондаги шакли ва асосий феълнинг -ing- қўшимчасини олган шаклидан ташкил топади.

I <u>was speaking</u>	— Мен гапираётган эдим
He <u>was speaking</u>	— У гапираётган эди
She <u>was speaking</u>	— У (қиз) гапираётган эди
It <u>was speaking</u>	— У (радио) гапираётган эди
We <u>were speaking</u>	— Биз гапираётган эдик
You <u>were speaking</u>	— Сиз гапираётган эдингиз
They <u>were speaking</u>	— Улар гапиришаётган эди (гапираётган эдилар)

Суроқни ифодалаганда ёрдамчи феъл гапнинг бошида келади.

Was he speaking?	— У гапираётган эдими?
Was she speaking?	— У (қиз) гапираётган эдими?
Were you speaking?	— Сиз гапираётган эдингизми?
Were they speaking?	— Улар гапиришаётган эдиларми? (ёки гапиришаётганими)

Инкорни ифодалаганда эса "not" юкламаси ишлатилади.  
У ёрдамчи феъл шаклидан кейин келади.

I was <u>not</u> speaking	— Мен гапирмаётган эдим
She was <u>not</u> writing	— У ёзмаётган эди
We were <u>not</u> going	— Биз бормаёттан эдик
They were <u>not</u> reading this book	— Улар бу китобни үқимаётташ эдилар

## THE FUTURE CONTINUOUS TENSE КЕЛГУСИ ДАВОМЛИ ЗАМОН

Ушбу замон "to be" феълининг келаси замон шаклидан (shall be, will be) ва асосий феълнинг -ing- қўшимчасини олган шаклидан ташкил топади.

I <u>shall be working</u>	— Мен ишлаётган бўламан
He <u>will be working</u>	— У ишлаётган бўлади
She <u>will be working</u>	— У (қиз) ишлаётган бўлади
It <u>will be working</u>	— У (машина) ишлаётган бўлади
We <u>shall be working</u>	— Биз ишлаётган бўламиз
You <u>will be working</u>	— Сиз (сизлар) ишлаёттан бўласиз
They <u>will be working</u>	— Улар ишлашаётган бўладилар

Сўроқни ифодалаганда ёрдамчи феъл shall (ёки will) эгадан олдин келади.

- |  |  |
|--|--|
| Shall I be working?                    | — Мен ишлаётган бўламанми?                 |
| Will you be working?                   | — Сиз ишлаётган бўласизми?                 |
| Will it be working?                    | — У (машина) ишлаётган бўладими?           |
| Will your friend be reading this book? | — Ўрготингиз бу китобни ўқиётган бўладими? |
| Will Mr.Bell be working?               | — Мистер Бэлл ишлаёттан бўладими?          |

Инкорни ифодалаганда "not" юкламаси ишлатилиб, у эгадан кейин келади.

- |   |   |
|---|---|
| Shall I not be working?                 | — Мен ишламаётган бўламанми?                |
| Will you not be working?                | — Сиз ишламаётган бўласизми?                |
| Will Betty not be translating the text? | — Бэтти матнни таржима қилмаётган бўладими? |

### Эслатма:

Сезги ва ҳиссиятни ифодаловчи иш-ҳаракатни англатадиган қуйидаги феъллар давомли замонда қўлланимайди.

see	— <b>кўрмоқ</b>	be	— <b>бўлмоқ</b>
hear	— <b>эшитмоқ</b>	fear	— <b>қўрқмоқ</b>
feel	— <b>сезмоқ</b>	need	— <b>муҳтож бўлмоқ</b>
mean	— <b>англатмоқ</b>	have	— <b>бор, эга бўлмоқ</b>
love	— <b>севмоқ</b>	believe	— <b>ишонмоқ</b>
hate	— <b>ёмон кўрмоқ</b>	know	— <b>билимоқ</b>
recognize	— <b>танимоқ</b>	understand	— <b>тушунмоқ</b>
like	— <b>ёқтиromoқ</b>		

Энди феъл замонларининг яна бир гурухи, яъни иш-ҳаракатнинг маълум бир вақтгача бажарилиб бўлинганигини кўрсатувчи гурухини кўриб чиқамиз. Бу вақт ҳозир, ўтган ёки келасида бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам тугалланган феъл замонларининг уч гурухи The Present Perfect Tense (Ҳозирги перфектли замон), The Past Perfect Tense (Ўтган перфектли замон), The Future Perfect Tense (Келаси перфектли замон) фарқланади.

## THE PRESENT PERFECT TENSE ХОЗИРГИ ПЕРФЕКТАИ ЗАМОН

Бу замондаги феъл have (has) феълининг ҳозирги замон шакли ва асосий феълининг учинчи шаклидан ташкил топган.

### have translated has translated

Масалан:

I have translated the article.

- Мен мақолани таржима қилиб бўлдим.
- Биз мақолани таржима қилиб бўлдик.
- Сиз (сизлар) мақолани таржима қилиб бўлдингиз.

We have translated the article.

You have translated the article.

- Улар мақолани таржима қилиб бўлишди.
- У мақолани таржима қилиб бўлди.
- У (қиз) мақолани таржима қилиб бўлди.
- У (компьютер) мақолани таржима қилиб бўлди.

They have translated the article.

He has translated the article.

She has translated the article.

It has translated the article.

Сўроқни ифодалаганда ёрдамчи феъл have (has) эгадан олдин, гапнинг бошида келади.

Have you translated the article?

- Мақолани таржима қилиб бўлдингизми?

Has she translated the article?

- У (қиз) мақолани таржима қилиб бўлдими?

Has Bobir translated the article?

- Бобир мақолани таржима қилиб бўлдими?

Инкорни ифодалаганда "not" юкламаси ёрдамчи феъл have (has) дан кейин келади.

I have not finished the work.

- Мен ишни тутатганим йўқ.

Gulbahor has not finished the work.

- Гулбаҳор ишни бажариб бўлгани йўқ.

**Эслатма:** have (has) not билан қўшилиб айтилиши ва ёзилиши мумкин. Масалан:

I haven't finished the work.

She hasn't finished the work.

**The present perfect tense** (хозирги перфектли замон) иш-харакатни нутқ, сүзланиб турган пайтгача бажарилиб туталланғанligини ифодалаш учун ишлатилади. Бу замонда қуйидаги сүзлар күпт ишлатилади:

already	— аллақачон
just	— эндигина, ҳозиргина
ever	— сира ҳам, қачон бұлса ҳам
never	— ҳеч қачон, сира ҳам
not yet	— ҳамон, ҳалыгача, ҳали ҳам

Масалан:

I have never seen him before. — Мен уни аввал ҳеч қачон (ёки сира ҳам) күрмаганман.

Эслатма:

Баъзан The Present Perfect Tense иш-харакатни нутқ сүзланиб турган пайтгача бажарилиб бўлган, лекин вақт ҳали ўтмаган ҳолатни ифодалашда ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

We have seen him today. — Биз уни бугун кўрдик.  
(иш-харакат бажарилиб бўлган, бироқ кун ҳали ўтгани йўқ)

## THE PAST PERFECT TENSE ЎТГАН ПЕРФЕКТЛИ ЗАМОН

Бу замондаги феъл have феълининг ўтган замон шакли бўлмиш 'had' ва асосий феълининг учинчи шаклидан ташкил топган.

### had finished

- |                             |                                       |
|-----------------------------|---------------------------------------|
| I had finished the work.    | — Мен ишни тутатиб бўлган эдим.       |
| You had finished the work.  | — Сиз ишни тутатиб бўлган эдингиз.    |
| He had finished the work.   | — У ишни тутатиб бўлган эди.          |
| She had finished the work.  | — У (қиз) ишни тутатиб бўлган эди.    |
| It had finished the work.   | — У (машина) ишни тутатиб бўлган эди. |
| We had finished the work.   | — Биз ишни тутатиб бўлган эдик.       |
| They had finished the work. | — Улар ишни тутатиб бўлган эдилар.    |

Сүроқни ифодалаганда "had" гапнинг бошида келади.

Had he finished the work? – У ишни тутатиб бўлган эдими?

Инкорни ифодалаганда эса "not" юкламаси ишлатилади.

We had not finished the work. – Биз ишни тутатмаган эдик.

The Past Perfect Tense иш-ҳаракатнинг ўтган замонда маълум бир пайтгача тугалланиб бўлганлигини ифодалайди.  
Масалан:

They **had** finished the work – Биз хонага кирганимизда when **we** entered the room. улар ишни тутатиб бўлигган эдилар.

I had translated the text by ten o'clock last night. – Кеча кечқурун соат ўнгача мен матнни таржима қилиб бўлган эдим.

## THE FUTURE PERFECT TENSE КЕЛАСИ ПЕРФЕКТАИ ЗАМОН

Ушбу замондаги феъл шакли иш-ҳаракатнинг келажакда бўлишини ифодаловчи "shall/will" ва тугалланганликни курсатувчи "have" ҳамда асосий феълнинг учинчи шаклидан ташкил топган.

**shall have translated**  
**will have translated**

I shall have translated the text.

– Мен матнни таржима қилиб бўламан.

You will have translated the text.

– Сиз матнни таржима қилиб бўласиз.

He will have translated the text.

– У матнни таржима қилиб бўлади.

She will have translated the text.

– У (қиз) матнни таржима қилиб бўлади.

It will have translated the text.

– У (нарса) матнни таржима қилиб бўлади.

We shall have translated the text.

– Биз матнни таржима қилиб бўламиз.

They will have translated the text.

– Улар матнни таржима қилиб бўлишади.

Сўроқни ифодалаганда ёрдамчи феъл "shall/will" гапнинг бошида келади.

Will they have translated the text?

Shall we have translated the text?

Инкорни ифодалаганда ёрдамчи феълдан (shall/will) кейин "not" юкламаси келади.

I shall not have translated the text.

He will not have translated the text.

The Future Perfect Tense даги феъл иш-ҳаракатнинг келгусида бошқа бир иш-ҳаракати бошлангунча бажарилиб бўлишини кўрсатиш учун ишлатилади.

I shall have translated the text before you come back.

— Мен сиз қайтиб келгунингизгача матнни таржима қилиб бўламан.

**Эслатма:** Ушбу замондаги феъл келгусидаги маълум бир вақтгача иш-ҳаракатнинг бажарилиб бўлинганлигини кўрсатиш учун ҳам ишлатилади.

She will have finished this work by ten o'clock.

— У соат ўнгача бу ишни бажариб бўлади.

Энди феъл замонларининг яна бир гурӯхини куриб ўтамиз. Бу гурӯх PERFECT CONTINUOUS TENSE (Перфектли давомли замон) деб аталади. Ушбу замондаги феъл иш-ҳаракатнинг маълум бир вақтда бошланиб ҳозир, келаси ёки ўтган замондаги маълум вақтгача давом этганини, баъзан эса шу вақт ичida ҳам давом этиб турганини ифодалайди.

## THE PRESENT PERFECT CONTINUOUS TENSE ХОЗИРГИ ПЕРФЕКТЛИ ДАВОМЛИ ЗАМОН

Бу замон ёрдамчи феъл "to be" нинг тугалланган ҳозирги замондаги шакли "have been / has been" ва асосий феълнинг "-ing" қўшимчасини олган шаклидан ташкил топади.

have been writing  
has been writing

I have been writing this exercise. — Мен бу машқни ёзаяпман.

He has been writing this exercise. — У бу машқни ёзаяпти.

She has been writing this exercise. — У (қиз) бу машқни ёзаяпти.

It has been writing this exercise.

— У(машина) бу машқни ёзаяпти.

We have been writing this exercise.

— Биз бу машқни ёзаяпмиз.

You have been writing this exercise.

— Сиз бу машқни ёзаяпсиз.

They have been writing this exercise.

— Улар бу машқни ёзишаапти.

Сўроқни ифодалаганда ёрдамчи феъл "have / has" эгадан олдин келади:

Have you been writing this exercise?

Has she been writing this exercise?

Инкорни ифодалаганда "not" юкламаси ёрдамчи феъл "have/ has"дан кейин келади.

I have not been writing this exercise.

He has not been finishing his work.

The Present Perfect Continuous Tense замонидаги феъл иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган вақтдан олдин бошлиниб, ҳозиргача давом этган, баъзан эса ҳозир ҳам давом этаёттганлигини ифодалаш учун ишлатилади. Масалан:

Ben has been waiting for Kate since eight o'clock.

Бэн Кэйтни соат саккиздан буён кутиб турибди.

They have been translating the article for two hours.

Улар икки соатдан буён бу мақолани таржима қилишагни.

**Эслатма:** Давомли замонда ишлатилмайдиган феъллар (see , hear, know, love, feel ва х.к) The Present Perfect Continuous ўрнига The Present Perfect да ишлатилади.

We have not seen Kate since Monday.

Биз Кэйтни душанба кунидан буён кўрганимиз йўқ.

## THE PAST PERFECT CONTINUOUS TENSE

### ЎТГАН ПЕРФЕКТЛАЙ ДАВОМЛИ ЗАМОН

Бу замонда келган феъл "to be" феълининг тугалланган ўтган замонда ги шакли "had been" ва асосий феълнинг "-ing" қўйшимчасини олган шаклидан ташкил топади.

**had been sitting**

I had been sitting in the room for an hour.

Мен хонада бир соатдан буён ўтирган эдим.

He had been sitting in the room for an hour.

Ү хонада бир соатдан буён ўтирган эди.

She had been sitting in the room for an hour.

Ү (қиз) хонада бир соатдан буён ўтирган эди.

It (dog) had been sitting in the room for an hour.

Ү (ит) хонада бир соатдан буён ўтирган эди.

We had been sitting in the room for an hour.

Биз хонада бир соатдан буён ўтирган эдик.

You had been sitting in the room for an hour.

Сиз хонада бир соатдан буён ўтирап эдингиз.

They had been sitting in the room for an hour.

Улар хонада бир соатдан буён ўтирап эдилар.

Сүроқни ифодалаганда “had” феъли гапнинг бошида эгадан оддин келади.

Had he been waiting for you?

Had they been translating the article?

Инкорни ифодалаганда эса “not” юкламаси “had” феълидан кейин келади.

I had not been reading the book.

You had not been waiting for us.

The Past Perfect Continuous Tense замонидаги феъл иш-харакатнинг ўтган замондаги маълум бир пайтдан бошлиниб шу пайтгача давом этиб турғанлигини, баъзан эса ундан кейин ҳам давом этаётганлигини ифодалаш учун ишлатилади.

We had been working on this problem for two hours when you called us.

Сиз бизни чақирғанингизда, биз бу масала устида икки соатдан бери ишлаттани ўтирганда.

She had been waiting there for an hour when they came.

Улар келишганда, ү қиз бир соатдан бери кутиб туаралади.

## THE FUTURE PERFECT CONTINUOUS TENSE КЕЛАСИ ПЕРФЕКТЛИ ДАВОМЛЫ ЗАМОН

Бу замонда феъл "to be" феълининг туталланган келаси замон шакли "shall/will have been" ва асосий феълининг "-ing" құшымчастини олган шаклидан ташкил топади.

**shall have been working**  
**will have been working**

I shall have been working.

— Мен ишлаб турған бұламан.

He will have been working.

— У ишлаб турған бұлади.

She will have been working.

— У (қыз) ишлаб турған бұлади.

It will have been working.

— У (машина) ишлаб турған бұлади.

We shall have been working.

— Биз ишлаб турған бұламиз.

You will have been working.

— Сиз ишлаб турған бұласиз.

They will have been working.

— Улар ишлаб турған бұладилар.

Сүрекни ифодалаганда "shall/will" әгадан олдин гапнинг бошида **келади**.

Shall I have been reading this book ?

Will you have been reading the newspaper ?

Инкорни ифодалаганда эса "not" юкламаси ёрдамчи феъл "shall/will" дан кейін келади.

He will not have been working.

They will not have been reading.

We shall not have been translating.

The Future Perfect Continuous Tense замонида келган феъл иш-харакатнинг келгусидаги маълум бир вақтдан олдин бошлиниб, шу **вақтгача** давом эттаныгини ифодалаш учун ишлатылади.

He will have been waiting for an hour when you come.

Сиз көлганингизда у бир соатдан буён кутиб турған бұлади.

We shall have been studying at the institute for six months by the first of March.

Биринчи март куни биз институтда олти ойдан бүён үкіёттеган бұламиз.

### Эслатма:

Инглиз тилида сиз юқорида күриб үтган феъл замоныла-ридан ташқары яна тұрт замон тури мавжуд. Улар үтган замон нұқтаи назаридан келгусида бұладиган иш-харакатни ифодалаш учун ишлатилади. Бироқ улар оғзаки нутқда кам құлланилғанлыги сабабли, улар ҳақида фақат мисол келтириб үтиш билан чекланып.

#### 1. THE FUTURE IN THE PAST TENSE

##### ҮТГАН КЕЛАСИ ЗАМОН

I should read

We should read

He would read

You would read

They would read

She would read

#### 2. THE FUTURE CONTINUOUS IN THE PAST TENSE

##### ҮТГАН КЕЛАСИ ДАВОМЛИ ЗАМОН

I should be writing

We should be writing

You would be writing

They would be writing

He would be writing

She would be writing

#### 3. THE FUTURE PERFECT IN THE PAST TENSE

##### ҮТГАН КЕЛАСИ ПЕРФЕКТЛІ ЗАМОН

I should have written

We should have written

You would have written

They would have written

He would have written

She would have written

#### 4. THE FUTURE PERFECT CONTINUOUS IN THE PAST TENSE

##### ҮТГАН КЕЛАСИ ПЕРФЕКТЛІ ДАВОМЛИ ЗАМОН

I should have been writing

We should have been writing

You would have been writing

They would have been writing

He would have been

writing

She would have been

writing

## THE NUMERAL СОН

Инглиз тилидаги сонлар сиз ўзбек китобхони учун анчагина қийинчилик тугдериши мумкин, шу сабабли ҳам ушбу грамматик ҳодиса ҳақида ҳам қисқача маълумот берилб үтишни маъқул топдик. Инглиз тилида ҳам сонлар ўзбек тилидаги каби саноқ ва тартиб сонларга бўлинади.

### **Cardinal numerals (саноқ сонлар)**

- |                |           |
|----------------|-----------|
| 1 – one        | (бир)     |
| 2 – two        | (икки)    |
| 3 – three      | (уч)      |
| 4 – four       | (тўрт)    |
| 5 – five       | (беш)     |
| 6 – six        | (олти)    |
| 7 – seven      | (етти)    |
| 8 – eiht       | (саккиз)  |
| 9 – nine       | (тўққиз)  |
| 10 – ten       | (ён)      |
| 11 – eleven    | (ўн бир)  |
| 12 – twelve    | (ўн икки) |
| 13 – thirteen  | (ўн уч)   |
| 14 – fourteen  | (ўн тўрт) |
| 15 – fifteen   | (ўн беш)  |
| 16 – sixteen   | (ўн олти) |
| 17 – seventeen | (ўн етти) |

### **Ordinal numerals (тартиб сонлар)**

- |                        |
|------------------------|
| 1st – the first        |
| (биринчи)              |
| 2nd – the second       |
| (иккинчи)              |
| 3d – the third         |
| (учинчи)               |
| 4th – the fourth       |
| (тўртинчи)             |
| 5th – the fifth        |
| (бешинчи)              |
| 6th – the sixth        |
| (олтинчи)              |
| 7th – the seventh      |
| (еттинчи)              |
| 8th – the eighth       |
| (саккизинчи)           |
| 9th – the nineth       |
| (тўққизинчи)           |
| 10th – the tenth       |
| (ўнинчи)               |
| 11th – the eleventh    |
| (ўн биринчи)           |
| 12th – the twelfth     |
| (ўн иккинчи)           |
| 13th – the thirteenth  |
| (ўн учинчи)            |
| 14th – the fourteenth  |
| (ўн тўртинчи)          |
| 15th – the fifteenth   |
| (ўн бешинчи)           |
| 16th – the sixteenth   |
| (ўн олтинчи)           |
| 17th – the seventeenth |
| (ўн еттинчи)           |

18 – eighteen (ўн саккиз)

19 – nineteen (ўн тўққиз)

20 – twenty (йигирма)

18th – the eighteenth  
(ўн саккизинчи)

19th – the nineteenth  
(ўн тўққизинчи)

20th – the twentieth  
(йигирманчи)

Йигирмадаң ўтгизгача саноқ ва тартиб сонлар қуйидаги-  
ча ўқилади :

21 – twenty one

22 – twenty two

23 – twenty three

24 – twenty four

25 – twenty five

26 – twenty six

27 – twenty seven

28 – twenty eight

29 – twenty nine

21st – the twenty first

22d – the twenty second

23d – the twenty third

24th – the twenty fourth

25th – the twenty fifth

26th – the twenty sixth

27th – the twenty seventh

28th – the twenty eighth

29th – the twenty nineth

Йигирма, ўтгиз, қирк, эллик, олтмиш, етмиш, саксон,  
тўқсон сонлари "-ty" қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинади.  
Шу сонларнинг тартиби ҳақида гапирилганда эса, уларга  
тартибни ифодаловчи "-th" қўшимчаси қўшилади. Бу ўзбек  
тилидаги "-нчи" қўшимчасига мос келади.

30 – thirty

40 – fourty

50 – fifty

60 – sixty

70 – seventy

80 – eighty

90 – ninety

100 – a hundred

1000 – a thousand

30th – the thirtieth

40th – the fourtieth

50th – the fiftieth

60th – the sixtieth

70th – the seventieth

80th – the eightieth

90th – the ninetieth

100th – the hundredth

1000th – the thousandth

Энди эса үзингиз 30 дан 100 гача бүлгән саноқ ва тартиб сонларни аввал оғзаки, кейин ёзма машқ қилинг.

### Эслаб қолинг!

Юздан ва мингдан ортиқ сонларни айттанимизда “юз” (hundred) сүзиңдан кейин “and” боғловчиси ишлатилади.

Масалан:

- |          |   |
|----------|---|
| 125      | — One hundred <u>and</u> twenty five              |
| 125-чи   | — One hundred <u>and</u> twenty fifth             |
| 1996     | — One thousand nine hundred <u>and</u> ninety six |
| 1996 -чи | — One thousand nine hundred and ninety sixth      |

Энди эса қуйида берилган саноқ ва тартиб сонларни үқишиңи машқ қилинг.

Cardinal numerals  
(саноқ, сонлар)

- |    |              |
|----|--------------|
| 1  | — one        |
| 2  | — two        |
| 3  | — three      |
| 4  | — four       |
| 5  | — five       |
| 6  | — six        |
| 7  | — seven      |
| 8  | — eight      |
| 9  | — nine       |
| 10 | — ten        |
| 11 | — eleven     |
| 12 | — twelve     |
| 13 | — thirteen   |
| 14 | — fourteen   |
| 15 | — fifteen    |
| 16 | — sixteen    |
| 17 | — seventeen  |
| 18 | — eighteen   |
| 19 | — nineteen   |
| 20 | — twenty     |
| 21 | — twenty one |
| 22 | — twenty two |

Ordinal numerals  
(тартиб сонлар)

- |      |                     |
|------|---------------------|
| 1st  | — the first         |
| 2nd  | — the second        |
| 3d   | — the third         |
| 4th  | — the fourth        |
| 5th  | — the fifth         |
| 6th  | — the sixth         |
| 7th  | — the seventh       |
| 8th  | — the eighth        |
| 9th  | — the ninth         |
| 10th | — the tenth         |
| 11th | — the eleventh      |
| 12th | — the twelfth       |
| 13th | — the thirteenth    |
| 14th | — the fourteenth    |
| 15th | — the fifteenth     |
| 16th | — the sixteenth     |
| 17th | — the seventeenth   |
| 18th | — the eighteenth    |
| 19th | — the nineteenth    |
| 20th | — the twentieth     |
| 21st | — the twenty first  |
| 22d  | — the twenty second |

23	- twenty three	23d	- the twenty third
24	- twenty four	24th	- the twenty fourth
25	- twenty five	25th	- the twenty fifth
26	- twenty six	26th	- the twenty sixth
27	- twenty seven	27th	- the twenty seventh
28	- twenty eight	28th	- the twenty eighth
29	- twenty nine	29th	- the twenty nineth
30	- thirty .	30th	- the thirtieth
40	- forty .	40th	- the fourtieth
50	- fifty .	50th	- the fiftieth
60	- sixty .	60th	- the sixtieth
70	- seventy .	70th	- the seventieth
80	- eighty .	80th	- the eightieth
90	- ninety .	90th	- the ninetieth
100	- a hundred	100th	- the hundredth
1000	- a thousand	1000th	- the thousandth

Энди эса ўзингиз 30 дан 100 гача бўлган саноқ ва тартиб сонларни аввал оғзаки, кейин ёзма машқ қилинг.

## DEGREES OF COMPARISON OF ADJECTIVES СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Турли шахс, ҳодиса ва нарсаларнинг сифати ва катта-кичиклиги ҳақида сўз юритганда уларнинг сифат дараражаларини билиш талаб этилади. Шу боисдан ҳам инглиз ва ўзбек тилирида сифат дараражаларини ҳосил қилиш ҳақида қисқача матъумот бериб ўтишини маъқул кўрдик.

Инглиз тилида ҳам худди ўзбек тилидаги каби сифатларнинг уч даражаси мавжуд:

1. Оддий даражса (the positive degree)
2. Қиёсий даражса (the comparative degree)
3. Орттирма даражса (the superlative degree)

Бу жиҳатдан ўхшаш, бироқ сифат дараражаларининг ҳосил бўлиш усулига кўра инглиз тилида уч гурӯҳ сифатлар фарқланади.

## 1-гурұх

Бир бүгінли ва айрим икки бүгінли сифатларнинг ҳосил бўлиши.

### Эслаб қолинг!

1. Одатда бир бүгінли ва баъзи икки бүгінли сифатларнинг қиёсий даражадаги шаклига "-er" (-роқ), орттирма даражадаги шаклига эса "-est" (энг) қўшимчалари қўшилади:

clean – cleaner – clean est  
тоза – тозароқ – энг тоза

2. Одатда бир ургули бўгиндан ташкил топган сифатларнинг охирида келган ундош ҳарф «-er» қўшимчасини кўшишдан олдин иккилантирилади. Масалан : big - bigger

Куйидә берилган мисоллар ёрдамида сифатлар даражасининг инглиз ва ўзбек тилларида ҳосил бўлишига эътибор беринг ва эслаб қолинг.

оддий даража	қиёсий даража	орттирма даража
long – узун	<u>longer</u> – узун роқ	<u>longest</u> – энг узун
small – <b>кичик</b> (топ)	<u>smaller</u> – кичик роқ (торроқ)	<u>smallest</u> – энг кичик (энг топ)
big – катта	<u>bigger</u> – катта роқ	<u>biggest</u> – энг катта
early – эрта	<u>earlier</u> – эрта роқ	<u>earliest</u> – энг эрта
red – қизил	<u>redder</u> – қизил роқ	<u>reddest</u> – энг қизил
hot – иссиқ	<u>hotter</u> – иссиқ роқ	<u>hottest</u> – энг иссиқ
deep – чуқур	<u>deeper</u> – чуқур роқ	<u>deepest</u> – энг чуқур
clean – тоза	<u>cleaner</u> – тоза роқ	<u>cleanest</u> – энг тоза

## 2- гурұх

Бу гурұхга айрим икки бўгинли ва икки бўгиндан ортиқ ҳамма сифатлар киради.

### Эслаб қолинг!

Бу гурұхга киравчи сифатларнинг қиёсий даражаси "more" сўзини, орттирма даражаси эса "most" ўзини сифат

олдидан келтириш сирқали ҳосил қилинади. Қўйида берилган мисоллар ёрдамида ушбу гурухга киравчи сифатларниң қиёсий ва орттирма даражаларининг ҳосил бўлишини эслаб қолинг.

оддий даража	қиёсий даража	орттирма даража
interesting – қизиқарли	<u>more</u> interesting – қизиқарлироқ	<u>most</u> interesting – энг қизиқарли
beautiful – чиройли, гўзал	<u>more</u> beautiful – чиройлироқ, гўзалроқ	<u>most</u> beautiful – энг чиройли, энг гўзал
difficult – қийин	<u>more</u> difficult – қийинроқ	<u>most</u> difficult – энг қийин
economic – тежамли	<u>more</u> economic – тежамлироқ	<u>most</u> economic – энг тежамли
important – муҳим	<u>more</u> important – муҳимроқ	<u>most</u> important – энг муҳим
comfortable – қулай	<u>more</u> comfortable – қулайроқ	<u>most</u> comfortable – энг қулай
careful – эҳтиёткор	<u>more</u> careful – эҳтиёткорроқ	<u>most</u> careful – энг эҳтиёткор
eatable – ейишли	<u>more</u> eatable – ейишлериоқ	<u>most</u> eatable – энг ейишли

### 3-гурух

Ушбу гурухга киравчи сифатлар ўзларининг алоҳида хусусиятлари билан ажralиб туради. Улар сифат даражаларини бутунлай бошқа негиздан ҳосил қилади. Бу гурухга киравчи сифатлар қўп эмас, балки саноқли бўлганлиги учун ҳам уларнинг сифат даражаларини эслаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

Қуйида берилган ушбу гурухга киравчи сифатларнинг даражаларини эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

оддий даража	қиёсий даража	орттирма даража
good — яхши	better — яхшироқ	best — энг яхши
bad — ёмон	worse — ёмонроқ	worst — энг ёмон
little — оз	less — озроқ	least — энг оз
many/much — кўп far — узоқ	more — кўпроқ farther — узоқроқ further	most — энг кўп farthest — энг узоқ furthest
old — эски/кекса/ катта ёш !	older — эскироқ, кексароқ elder — каттароқ ёш	oldest — энг эски, энг кекса eldest — энг катта ёш

Қуйидаги сўзларни юқорида баён этилган сифат даражаларининг ясалишини ҳисобга олган ҳолда инглиз тилига таржима қилинг:

катта хона, кичикроқ хона, энг катта шаҳар, кекса ўқитувчи, кўпроқ сув, яхшироқ китоб, энг яхши китоб, энг кекса киши, қулайроқ хона ёмон ручка, ёмонроқ ҳикоя, қизиқарли ҳикоя, энг қизиқарли фильм.

Қуйидаги сифатларнинг қиёсий ва орттирма даражаларини ҳосил қилинг.

nice (чиройли)

---



---

high (баланд)

---



---

productive (маҳсулдор)

---



---

interesting (қизиқарли)

---



---

clean (тоза)

---



---

## Сўроқни ифодаловчи сўзлар

Маълумки, нутқий мулоқот пайтида биз кўпинча ахборот олишга, бирор нарсани сўраб билишга қизиқамиз. Буни эса сўроқ сўзлардан фойдаланмасдан бажариш мушкул, чунки улар диалогик нутқнинг энг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Куйида оғзаки нутқда энг кўп қўманадиган сўроқ сўзлар ва уларнинг ўзбекча муқобиллари берилган. Уларни қиёслаб эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Агар уларнинг маъносини ва гапдаги ўрнини эслаб қолсангиз хеч қийналмасдан инглизча савол беришиниз ва ўзингиз учун керакли ахборот олиш йўлини ўрганиб олишиниз мумкин.

who	-	ким?
what	-	нима?
when	-	қачон?
where	-	қаерда?
why	-	нима учун? нега?
whom	-	кимни, кимга ?
whose	-	кимнинг, кимники ?
How	-	қандай қилиб?
How many	-	қанча? нечта?
How much	-	қанча?

### Эслаб қолинг!

"How many?" сўроғидаги "many" сўзи фақат саналадиган нарсалар ҳақида сўз юритганда ишлатилади.

Масалан : How many English books have you?

Сизнинг нечта инглизча китобингиз бор?

Бироқ, "How many tea (чой) are there in the teapot?" гапи хато ҳисобланади, чунки "Чойнақда қанча чой бор?" деганда "many" сўзини ушбу гапда ишлатиб бўлмайди. Бунинг сабаби чой, сут, ёг каби нарсалар саналмайди. Бундай ҳолатда "much" сўзи ишлатилади. Бу гапнинг тўғри шакли қуйидаги чабулиши керак.

"How much tea is there in the teapot"

Бу ерда "many" сўзи эмас, балки "much" сўзи ишлатилиши керак. Барча санаб бўлмайдиган сўзлар билан "much" ишлатилади :

much water	-	кўп сув
much tea	-	кўп чой

Қуидаги мисолларда берилган сўроқ сўзларнинг маъноларини ва ишлатилишини эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

- |                                      |                                     |
|--------------------------------------|-------------------------------------|
| Who knows English?                   | — Ким инглизча билади?              |
| What comes next?                     | — Кейин <u>нима</u> келади?         |
| When do you go to work?              | — Сиз қачон ишга борасиз?           |
| Where do you live?                   | — Сиз қаерда яшайсиз?               |
| Why don't you go to work on Sunday?  | — Нега якшанба куни ишга бормайсиз? |
| How do you go to work?               | — Сиз ишга қандай борасиз?          |
| How many English books have you?     | — Нечта инглизча китобингиз бор?    |
| How much tea is there in the teapot? | — Чойнақда <u>қанча</u> чой бор?    |
| What is on the table?                | — Столнинг устида <u>нима</u> бор?  |
| Who is in the office?                | — Офисда ким бор?                   |
| When is he at home?                  | — У <u>қачон</u> уйда бўлади?       |
| He is always at home after work.     | — У доим ишдан кейин уйда бўлади.   |
| Why is he not at the lesson?         | — Нима учун у дарсда эмас?          |
| When does he come to work?           | — У <u>қачон</u> ишга келади?       |
| How many days do you work?           | — Сиз <u>нечакун</u> ишлайсиз?      |

Энди эса ҳар бир суроқ сузли қурилмадан (конструкциядан) ташкил топган намуналарга кўра берилган сўзлардан фойдаланиб, савол тузишни машқ қилинг.

- |                                   |                       |
|-----------------------------------|-----------------------|
| 1. Who knows <u>Uzbek</u> ?       | — Ким ўзбекча билади? |
| Who knows ....                    |                       |
| Russian, English, German, French. |                       |

- |                            |                |             |                   |
|----------------------------|----------------|-------------|-------------------|
| 2. Who is <u>at home</u> ? | — Ким уйда ?   |             |                   |
| Who is ....                |                |             |                   |
| at work                    | — ишда         | at school   | — мактабда        |
| in the office              | — офисда       | in the room | — хонада          |
| in the hotel               | — меҳмонхонада | in the car  | — автомобил ичида |

- |                                  |                           |               |                    |
|----------------------------------|---------------------------|---------------|--------------------|
| 3. What is <u>on the table</u> ? | — Столнинг устидаги нима? |               |                    |
| What is ....                     |                           |               |                    |
| on the book                      | — китоб устида            | on the wall   | — деворда          |
| in your room                     | — хонангизда              | on your table | — столингиз устида |

4. When do you go to work ? — Сиз қачон ишга борасиз ?  
When do you ....

- |                   |                      |
|-------------------|----------------------|
| go to school      | — макта бға борасиз  |
| go to the office  | — офисға борасиз     |
| go to the cinema  | — кинога борасиз     |
| go to the theatre | — театрға борасиз    |
| go to the park    | — паркқа борасиз     |
| go to the airport | — аэропортға борасиз |

5. Where do you go? — Қаерға борасиз?  
Where do you study? — Қаерда үқийсиз?

- |                  |                              |
|------------------|------------------------------|
| Where do you ... |                              |
| work             | — ишлайсиз                   |
| have breakfast   | — нонушта қиласиз            |
| buy things       | — нарасаларни сотиб оласиз   |
| buy vegetables   | — сабзавотларни сотиб оласиз |

6. Why do you go to the market ? — Бозорға нима учун  
борасиз?

- |                   |              |                    |              |
|-------------------|--------------|--------------------|--------------|
| Why do you go ... |              |                    |              |
| to school         | — мектебге   | to the post office | — поштага    |
| to the park       | — паркқа     | to the airport     | — аэропортға |
| to the station    | — шохбекатта |                    |              |

7. How do you go to work ? — Ишга қандай борасиз ?

- |                   |                           |
|-------------------|---------------------------|
| How do you ....   |                           |
| ask him           | — ундан сұрайсиз          |
| call her          | — уни чақирады            |
| teach children    | — болаларни үқитады       |
| bring it yourself | — уни үзингиз олиб келады |
| go to the shop    | — магазинга борасиз       |

8. How many children have you ? — Нечта боланғиз бор?

- |                        |                             |
|------------------------|-----------------------------|
| How many ... have you? |                             |
| sons                   | — юғлингиз                  |
| daughters              | — қызингиз                  |
| cars                   | — автомобилингиз/машинангиз |
| dictionaries           | — лутатингиз                |
| postcards              | — почта маркаси             |

How much tea is there in the teapot ? — Чойнақда қанча чой бор ?

How much ....

milk is there in the jug — күзада сут

butter is there on the plate — ликопда сариёқ

How much work is left? — Қанча иш қолди?

Күйіндеғи сұроқ, ғапларни инглиз тилига таржима қилинг.

1. Столинг ёнида ким бор?

2. Сизнинг хонанғизда ким бор?

3. Китобингизнинг ичида нима бор?

4. Сумқанғизнинг ичида нима бор?

5. Сут қани?

6. Ҳар якшанба куни қаерга борасиз? (every Sunday)

7. Нега мистер Ахмедов мажлисда эмас? (at the meeting)

8. Сизда некта дарслік (text book) бор?

## PREPOSITIONS ПРЕДЛОГЛАР

Үзбек тилида предлоглар йўқ. Улар англатган маънолар келишик, эгалик құшимчалари ва күмакчи сўзлар орқали берилади. Шунинг учун ҳам предлоглар англатган маъноларга ва уларнинг бошқа сўзлар билан бирикишига эътибор беринг ва эслаб қолинг.

1. "On" — "да" (устидаги)

The pen is on the table. — Ручка стол устидаги .

"On" — "та" (устига)

Put your book on the table. — Китобингизни стол устига қўйинг.

### Эслаб қолинг!

a) Саналар орқали пайтни ифодалаганда фақат "on" предлоги ишлатилади. Масалан:

on the first of September — Биринчи сентябрда

б) Ҳафта кунлари билан ҳам "on" предлоги ишлатилади:

on Monday — on Tuesday

on Wednesday — on Thursday

on Friday — on Saturday

Баъзан "on" предлоги "ҳақида", "оид" деган маънони ҳам англатиши мумкин. Масалан:

We have some books on history.

Бизда бир қанча тарихга оид китоблар бор.

### 2. "in" – "да" (ичида)

in the room – хонада

Mr.Bell is in the room. – Мистер Бэлл хонада.

My book is in my bag. – Менинг китобим сумкамда.

### 2. "in" – "та" (ичига)

They go in the office. – Улар офисга киришади.

## Эслаб қолинг!

а) Ойлар, йиллар ва фасллар орқали пайтни ифодалаша ҳам "in" предлоги ишлатилади. Масалан:

in March, in October, in 1995, in 1996

б) Энди бўладиган иш-ҳаракатни ифодалаша ҳам "in" предлоги ишлатилади ва "кейин", "...ичида" деб таржима қилинади.

He will come in five minutes. – У беш минут ичида келиб қолади.

The meeting will be over in an hour. – Мажлис бир соатдан кейин тутгайди.

в) Қуйидаги сўз бирикмаларида ҳам доим "in" предлоги ишлатилади.

in the morning – эрталаб

in the afternoon – туш пайтида

in the evening – кечкурун

in a minute – бир дақиқадан сўнг

### 3. "at" – "да" (ёнида)

The teacher is at the table. – Ўқитувчи стол ёнида.

### "at" – "устида"

I must work at my English. – Мен инглиз тили устида ишлашим керак.

### "at" – "та"

Look at the picture! – Расмга қаранг!

## Эслаб қолинг!

а) Соат орқали вақтни ифодалашда фақатгина "at" предлоги ишлатилади. Масалан :

at two o'clock — соат иккода  
at nine o'clock — соат түккизда

б) Күйидаги турғун бирикмаларда ҳам "at" ишлатилади. Уларни ёдда сақлаб қолиш зарур.

at dawn	— тонг отганда	at sunrise	— қүёш чиққанда
at sunset	— қүёш ботганда	at noon	— түш пайтида
at night	— тунда		

### 4. "under" — "остида, тагида"

under the table	— стол остида
under the tree	— дараҳт остида
under your book	— китобингизнинг тагида
under your papers	— қозозларингизнинг тагида

5. "to" — "та" йұналишни ифодалайды ва үзбек тилига  
" — га, — ка, - қа, томонига, олдига" деб таржима қилинади.

Масалан :

to Andijon	Андижонга	to London	— Лондонға
to me	— менға	to my friend	— дүстүмға
to the park	паркка	to the garden	— бокқа

Go to the table ! — Стол олдига боринг!

## Эслаб қолинг!

Соат ёрдамида вақтни ифодалаганда "to" предлоги "кам"  
деб таржима қилинади.

8.55 — It is five minutes to nine. — Беш минут кам түккиз.  
9.40 — It is twenty minutes to ten. — Ійигірма минут кам үн.

### 6. "into" — "та, ичиға"

Go into your room.	— Хонаңизга кириңг.
Put it into your bag.	— Уни сумқанғизга солиб қўйинг
Don't throw it into the water!	— Уни сувга ташламанг!
Put this paper into your book.	— Бу қозозни китобингиз ичиға солиб қўйинг.

## 7. "towards" — "олд томонга, ...га қараб"

- Go towards that high building. — Ана бу баланд бино томонга юринг.  
He stood looking towards . — У олд томонга қараб туарар эди.

## 8. "from" — "дан"

Масалан :

from school	— мактабдан
from London	— Лондондан
from the cinema	— кинотеатрдан

- Mr.Bell came home from his office. — Мистер Бэлл идорасидан (офисдан) уйга келди.  
He came from England. — У Англиядан келди.  
from ... till ... — ... дан ... гача  
from seven till nine — еттидан түккизгача  
Mr.Blake is in the office from eight till five. — Мистер Блейк саккиздан бешгача офисда бұлади.  
He is always busy from morning till the evening. — У ҳар доим әртадан кечгача банд бұлади.

## 9. "... out of" — "ичидан, ...дан ташқарига"

Масалан :

out of the house	— уйдан ташқарига
out of the room	— хонадан ташқарига
out of your pocket	— чүнтагингиздан

- They went out of the house. — Улар уйдан ташқарига чиқдилар.  
Bessy went out of her room. — Бэсси үз хонасидан ташқарига чиқди.  
Take your hands out of your pocket. — Құлларингизни чүнтагингиздан чиқаринг.

## 10. "before" — "олдин, илгари, бурун"

- It happened before Sunday. — Бу якшанбадан олдин юз берди.  
Spring comes before summer. — Ба ҳор ёздан олдин келади.  
There was a big house here before the Second World War. — Бу ерда иккінчи жағон урушидан илгари катта уй бўлган.

## 11. "till" — "тacha"

Масалан:	till six o'clock	— соат олтигача
	till the morning	— эрталабгача
	till Monday	— душанбагача
	till Tashkent	— Ташкентгача
	till November	— ноябргача

## 12. "after" — "сўнг, кейин"

Масалан :

after meeting	— мажлисдан сўнг
after lessons	— дарслардан кейин
after two years	— икки йилдан сўнг
after summer	— ёздан кейин

## 13. "during" — "пайтида, вақтида, даврида"

Масалан :

during the lesson	— дарс пайтида
during the talks	— музокаралар вақтида
during his visit to Uzbekistan	— унинг Ўзбекистонга қилган сафари пайтида

14. "about" – Бу предлогнинг бир неча маъноси бор. Уларни қиёслаб, қўйидаги мисоллар ёрдамида маъносини эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

### a) **about** – ҳақида

about you	— сиз ҳақинтизда
about our town	— шахримиз ҳақида
about our country	— мамлакатимиз ҳақида
about Uzbekistan	— Ўзбекистон ҳақида

б) **about** – атрофида. Бўнда "about" ўрин-жойни ифодалаш учун ишлатилади. Масалан :

The little boy wandered about the house. – Кичкина бола уй атрофида айланиб (дайдиб) юарди.

в) **about** – пайтни кўрсатганда тахмин, чамалаш каби маъноларни ифодалайди.

Ben came here about ten o'clock. – Бэн бу ерга соат ўнлар чамаси келди.

Please, come here about two o'clock. – Илтимос, бу ерга соат иккиларда келинг.

**15. For.** Бу предлог ҳам кўп маъноли предлоглардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қўйида берилган мисоллар ёрдамида уларнинг маъноларини тушуниб олишга ҳаракат қилинг.

a) **for** — учун, ...га (мақсадни ифодалаганда)

for you — сизга  
for your brother — акангизга  
a ball for my son — ўғлим учун копток

Масалан :

I bought a book for my son. — Мен ўғлимга (ёки ўғлим учун) китоб сотиб олдим.

This pen is for you. — Бу ручка сизга (сиз учун).

б) **for** предлоги пайтни ифодалаша ҳам ишлатилиши. мумкин.

Масалан :

Mr. Black has been living here for two years. — Мистер Блэк бу ерда икки йилдан бўён яшайди.

Демак, пайтни ифодалаганда "for" предлоги ўзбек тилига "...дан бери, ...дан бўён" бўлиб таржима қилинади.

в) **for** предлоги "leave" (жўнаб кетмоқ) феъли билан бирга ишлатилганда йўналишни ифодалаб, ўзбек тилига "га (...ка, қа)" бўлиб таржима қилинади.

Масалан: for Samarkand

Yesterday the delegation left for Samarkand. — Кеча делегация Самарқандга жўнаб кетди.

**16. Of** — "...нинг"

а) Бу предлог шахс ёки предметнинг кимгадир (ёки нимагадир) тааллуқли, тегишли эканлигини ифодалаш учун ишлатилади ва ўзбек тилига асосан "—нинг" бўлиб таржима қилинади.

Масалан :

the door of my room — хонамнинг эшиги  
the rooms of the house — уйнинг хоналари

б) "Of" предлоги "тўгрисида, ҳақида" каби маъноларни ҳам ифодалashi мумкин. Масалан:

You musn't speak badly of him. — Сиз унинг тўгрисида ёмон гапирмаслигингиз керак.

You musn't think **badly** of this girl. – Сиз бу қыз ҳақида ёмон фикрга бормаслигингиз керак.

в) "Of" предлоги бирор нарсанинг таркибини англатганда "...дан" бўлиб, яъни бирор нарсадан ташкил топғанлигини ифодалаш учун ишлатилади. Масалан:

This house is built of bricks. – Бу уй ғиштдан қурилган.

This dress is made of silk. – Бу кўйлак ипақдан тикилган.

Шунингдек, бирор шахс ёки нарсани кўплик ичидан ажратиб, танлаб кўрсатганда ҳам "-дан" бўлиб таржима қилинади.

Which of you speak English? – Сизлардан қай бирингиз инглизча гапирасиз?

### 17. "between" – "уртасида"

Эътибор беринг, бу предлог икки нарса ёки шахс уртасида эканлигини ифодалаш учун ишлатилади. Масалан:

between two tables – икки стол уртасида

between my friend and me – мен билан дўстим уртасида

between four and five – тўрт билан беш уртасида

18. "among" предлоги ҳам "уртасида, орасида" деган маънени англатади.

Бироқ у кўпчиликнинг ургасида, яъни иккidan ортик шахс ёки нарсалар уртасида деганда ишлатилади. Масалан:

among you – сизларнинг орангизда

among the boys – болаларнинг орасида

among his classmates – синдошларнинг орасида

1. Who knows English among you? – Сизларнинг орангизда ким инглизча билади?

2. She is the tallest among her friends. – У (қиз) уртоқлари орасида энг баланд бўйли.

### Ёдда туting:

between – икки шахс ёки нарса уртасида

among – кўпчилик орасида деган маъноларни ифодалайди.

19. "by" предлоги ҳам икки маънони англатади:

#### 1. "ёнида"

Масалан: by the window – дераза ёнида  
by the fire – олов ёнида

He stood by the window. — Удераза ёнида турар эди.

They were sitting by the fire. — Улар олов ёнида ўтиришар эди.

2. "томонидан, туфайли" булиб, яъни кимдир (ёки нимадир) томонидан булиб ҳам таржима қилинади.

This book was written by an English writer. — Бу китоб инглиз ёзувчиси томонидан ёзилган.

The house was destroyed by storm. — Уй бўрон томонидан вайрон этилди.(ёки — Уй бўронда вайрон бўлди. Уй бўрон туфайли вайрон бўлди.)

## 20. "with" – билан, бирга

Масалан :

1. Don't write with a pencil, write with a pen . — Қалам билан ёзманг, ручка билан ёзинг.
2. I go to disco with my friend. — Мен дискотекага дўстим билан бораман.

Баъзан "with" предлоги "...дан" деб таржима қилиниши ҳам мумкин. Масала н :

"кувончдан" (with joy), "қўрқинчдан" (with fear)  
"ҳайратдан, номусдан." (with shame)

His face became pale with fear. — Кўрқинчдан унинг юзи оқариб кетди.

## ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ШАХСИ НОМАЪЛУМ ГАПЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Инглиз тилидаги нутқий фаолиятда энг кўп учраб турадиган гап қурилмаларидан (структураларидан) бири шахси номаълум ёки шахси топилмас гап ҳам деб аталадиган гап қурилмасидир. Биз ушбу гапларнинг тузилиши ҳақида ҳам бир оз тушунча беришни маъқул тоғдик, чунки улар тузилиши жиҳатидан ўзбек тилидаги муқобилларидан анча фарқ қиласди.

Инглиз тилида бўндай гаплар "It" сўзи билан бошланади. Унинг бирлиқдаги учинчи шахсни ифодаловчи "it" (у) олмошидан фарқи шуки, у ўзбек тилига таржима қилинмайди, яъни унинг ўзбек тилида мукобилий ўйқ. Бу эса инглиз

тилини ўрганувчи ўзбеклар учун қийинчиллик тұғдираади. Натижада улар гап түзаётіб "it" сүзини ва у билан мослашувчи феъл шаклини тушириб қолдиради ва хатога йўл қўйишаади.

Шунинг учун ҳам қуйида бериладиган шахси мазмунан топилма с гапларнинг тузилишига ва уларнинг ўзбек тилидаги муқобилларига эътибор беринг ва тузилишини эслаб қолинг.

- |                             |                                      |
|-----------------------------|--------------------------------------|
| It is <u>autumn</u> now.    | — Ҳозир куз.                         |
| It is <u>cold</u> today.    | — Бутун совуқ.                       |
| It is <u>raining</u> now.   | — Ҳозир ёмғир ёғаяпти.               |
| It is <u>eight</u> o'clock. | — Соат саккиз.                       |
| It often <u>rains</u> here. | — Бу ерда тез-тез ёмғир ёғиб туради. |

Ўтган замон ҳақида сўз кеттганда эса феълнинг ўтган замон шакли ва шунга мос пайтни ифодаловчи сўз ўзгаради.

- |   |  |
|---|--|
| It <u>was</u> <u>autumn</u> <u>at</u> <u>that</u> <u>time</u> . | — У <u>пайтда</u> куз эди.             |
| It <u>was</u> <u>cold</u> <u>that</u> <u>day</u> .              | — <u>Уша</u> <u>куни</u> совуқ эди.    |
| It <u>was</u> <u>raining</u> <u>yesterday</u> .                 | — Кеча ёмғир ёғаёттан эди.             |
| It <u>was</u> <u>eight</u> <u>o'clock</u> .                     | — Соат саккиз эди.                     |
| It often <u>rained</u> <u>there</u> .                           | — У ерда тез-тез ёмғир ёғиб турар эди. |

### Эслаб қолинг!

Сўроқни ифодалаганда феъл шакли "it" сўзидан олдин, гапнинг бошида келади.

- Is it autumn now? — Ҳозир кузми?  
Was it cold yesterday? — Кеча совуқ эдими?  
Was it eight o'clock? — Соат саккиз эдими?  
Is it raining now? — Ҳозир ёмғир ёғаяптими?  
Is it getting cold? — Совуқ тушиб келаяптими?

### Ёдда тутинг!

Тарқибида об-ҳавога доир ҳаракатни ифодаловчи маънодор феъл бўлган шахси топилмас гапларнинг инкор ва суроқ шаклини ҳосил қилишда ёрдамчи "to do" феълининг "does" шаклидан фойдаланилади.

Масалан :

- It often snows here in winter. — Бу ерда қишида тез-тез қор ёғиб туради.

Does it often snow here in winter? – Қиңда бу ерда тез-тез қор ёғиб турадими?

It doesn't often snow here in winter. – Бу ерда қиңда тез-тез қор ёғмайды.

Бўлиб ўтган иш-ҳаракат ҳақида сўз юритилганда эса "to do" феълининг ўтган замон шакли (did) қўлланилади.

Did it often snow last winter? – Ўтган қиңда тез-тез қор ёғиб турдими?

Did it not rain at night yesterday? – Кеча тунда ёмғир ёғмадими?

**Эслатма:** Инкорни ифодалаганда ёрдамчи феъл билан "not" юкламаси қўшилиб айтилиши мумкин. Бу оғзаки нутққа хос ҳодисадир.

It didn't rain yesterday.

It didn't snow yesterday.

Энди эса қўйидаги гапларни инглиз тилига таржима қилиб кўринг-чи, уddyalай олармикансиз. Агар қила олмасангиз, ушбу мавзуни яна бир бор синчилаб ўқиб чиқинг ва инглиз ҳамда ўзбек тилидаги шахси номаълум гаплар қурилмасини солиштириб кўринг. Сўнг машқни қайта бажаринг.

1. Ҳозир иссиқ,
2. Кеча ҳам иссиқ бўлган эди.
3. Кузда бу ерда иссиқ буладими?
4. Ҳозир Лондонда совуқ, Тошкентда эса иссиқ.
5. Қоронги тушиб келаяпти.
6. Ҳозир ёмғир ёғаяптими?
7. Ёзда ёмғир ёғмайды. Ёмғир баҳорда ва кузда ёгади.
8. Якшанба куни совуқ эмас эди.
9. Хонанинг ичи иссиқ, бироқ ташқари (outside) совуқ.
10. Ҳозир Тошкентда соат 10.00.

## IMPERATIVE SENTENCES

### БҮЙРУҚ ГАПЛАР

Хурматли китобхон! Нутқ жарёнида буйруқ гаплар ўзларининг шаклан тузилиш жиҳатидан соддалиги билан ажраблиб туради. Бироқ улар нутқни ўстиришда яхши восита сифатида ишлатилиши мумкин. Шунинг учун ҳам буйруқ гаплар билан қисқача бўлса-да, таништириб ўтишни маъқул тоцдик.

Буйруқ маъносини билдирадиган гаплар буйруқ гап дейилади.

### Эслаб қолинг!

Инглиз тилидаги буйруқ гапларда феъл гапнинг бошида келади.

Take the book.

Open the book.

Ўзбек тилида эса одатда гапнинг охирида келади:

Китобни олинг.

Китоб ва дафтарларингизни стол устига куйинг.

Нутқ жараёнида шахсли феъл ёлғиз ўзи қўлланиши ҳам мумкин:

Come! (Келинг)

Go! (Боринг)

Speak! (Гапиринг)

Буйруқ гаплар илтимосни билдирганда "Please" сўзи қўшиб айтилади.

Please, close the door!

Илтимос, эшикни ёпиб қўйинг.

### Эслатма:

Буйруқ майлидаги феълнинг булишсиз шакли феълдан олдин "do not" (don't) сўзларини келтириш орқали ясалади.

Don't go!

Don't take the book!

Don't smoke!

Қўйидаги биринчи ва иккинчи қаторда берилган сўзлардан фойдаланиб, намунага кўра буйруқ гаплар тузинг:

Give me your book. – Менга китобингизни беринг.

1. Take, give, close, speak, come, bring, put, read, tell.
2. Book, your pen, door, to the table, to the office, the papers, the text, the newspaper, the article (мақолани), about yourself (ўзингиз ҳақингизда), on the table (стол устига), about Andijan (Андижон ҳақида).

Намунадаги каби остига чизиб қўйилган сўзларни алмаштириб уларга ўхшаш буйруқ гаплар тузишни машқ қилинг.

Намуна:

Take the book.  
Put the book on the table.  
Give me the book.

Textbook, dictionary (лугат), your papers, my bag, your hat, letters, telegram, cables, contract, this pen.

## ГАПДАГИ СҮЗ ТАРТИБИ

Инглиз тилини ўрганаёттан ўзбек китобхони учун яна бир муаммо бу – гапдаги сўз тартиби масаласидир. Бунга сабаб ўзбек тилидаги сўз тартиби билан инглиз тилидаги сўз тартибининг бир-биридан кескин фарқ қилишидир.

Масалан:

I go to London by plane.  
1 2 3 4 5 6

Мен Лондонга самолётда бораман.

1 4 3 6 5 2

Айнан шу фарқ хатгорларни келтириб чиқарадиган манба бўлиб хизмат қиласди. Одатда ўзбек китобхони юқоридағи гапни инглизча айтмоқчи бўлганда, яъни "Мен Лондонга самолётда бораман" демоқчи бўлиб, шу гапдаги сўзлар ўрнига инглизча сўзларнинг муқобилини қўйиб чиқади. Бунда эса қўйидагича хато гап ҳосил бўлади. Солиштириб кўринг :

Мен Лондонга самолётда бораман.

I to London by plane go.

Яна бир мисолни қўриб чиқайлик. "Мен хонадаман" (I am in the room) демоқчи бўлганда ҳам шу гапдаги сўз тартибидан келиб чиқиб "I in the room" ёки "In room" деб хатога йўл қўйиши мумкин. Чунки ушбу гапда «ам» феълининг ва "the" артиклиниң ўзбек тилида муқобили йўқ бўлгани учун улар ўзбек тилида гапиравчилар томонидан тушириб қолдирилади. Лекин бундай хатони қилмасликнинг иложи бор. У ҳам бўлса инглиз тилидаги гапларнинг сўз тартибини яхшилаб ўрганиб олишди, чунки инглиз тили галидаги сўз тартиби ўзбек тилидагига нисбатан қатъийдир.

Инглиз тилида биринчи "эга", яъни иш-ҳаракатни бажа-рувчи, ундан кейин эса албатта "кесим", яъни иш-ҳаракатни ифодаловчи феъл көлади.

Масалан :

1 2

I speak English at the lesson.

I	— эга, бажарувчи
speak	— кесим
English	— тұлдирувчи
at the lesson	— ҳол

### Ёддан чиқарман!

Хол (яъни at the lesson каби сүзлар) гапнинг бошида әгадаң олдин ҳам келиши мүмкін.

Масалан :

At the lesson I speak English. — Дарсда мен инглизча гапираман.

In the morning I went to school. — Эргалаб мен мактабға бордим.

Шундай қилиб, сиз ҳурматли китобхон, инглиз тилида гапирганингизда энг аввал "эга", кейин "кесимни" қўйишни унутманг.

Қўйидаги усулда гап тузиш сизга сўз тартибини ўрганишга ёрдам беради.

- |  |   |
|--|---|
| 1. I go.   | — Мен бораман.  |
| 2. I go to the office.   | — Мен офисга бораман.                                 |
| 3. I go to the office at eight o'clock.                          | — Мен соат саккизда идорага бораман.                  |
| 4. I go to the office at eight o'clock every day.                | — Мен ҳар куни соат саккизда офисга бораман.          |
| 5. I go to the office at eight o'clock every day in the morning. | — Мен ҳар куни эрталаб соат саккизда идорага бораман. |

## DAY OF A WEEK

### ҲАФТА КУНЛАРИ

Ҳурматли китобхон, сиз инглиз тили грамматикаси нуқтаи назаридан тұгри гаплар тузишни ҳам билиб олдінгиз. Бунда сизга юқорида ўрганиб чиқсан грамматик материал ёрдам берди, деб ўйлаймиз. Энди сизнинг олдингизда турган навбатдаги вазифа сўз бойлигингизни орттиришдир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, инглиз тилида ўқий олсангиз ва ҳозирча қийналиб

булса-да гаплар туза олсангиз-у, лекин фикрингизни ифодалашда қийналсангиз. Хүш, бунинг сабаби нимада экан? Бунинг сабаби жуда оддий. У ҳам бўлса сизнинг кўп сўзларни билмаслигингиздадир. Шунинг учун сизнинг эндиғи вазифагиз сўз бойлигингизни оширишдан иборат бўлмоги лозим.

Бироқ сўзларни алоҳида олиб ёдласангиз уларни ёдда сақлаб қолиш ҳамда гаплар тузиш қийин. "Ундей бўлса, нима қилиш керак?" деган савол тугилиши табиий. Сўзларни ёдда сақлаб қолишнинг осон йўли уларни сўз бирикмаларида ва контекстда эслаб қолишидир.

Шунинг учун ҳам, азиз китобхон, биз қуйида кундалик ҳаётдаги оддий нутқий мулоқотда энг кўп учраб турадиган сўз ва сўз бирикмаларини улар қўлланиши мумкин бўлган мавзулар билан бирга келтириб ўтишни лозим топдик. Умид қиламизки, сиз уларни ёд олиб ўз сўз бойлигингизни оширасиз.

### Унутманг!

Ўрганилаётган сўзнинг таржимаси билан танишиб чиқишингиз биланоқ, у билан сўз бирикмаси ҳосил қилингда, уни энг оддий гап қурилмаси (структураси)да қўлланг.

Масалан :

tea	-	чой
green tea	-	кўк чой
black tea	-	қора чой

Give me some tea please. — Менга бир оз чой беринг.  
I like green tea. — Мен кўк чойни ёқтираман.

Sunday	-	якшанба	on Sunday	-	якшанба куни
Monday	-	душанба	on Monday	-	душанба куни
Tuesday	-	сешанба	on Tuesday	-	сешанба куни
Wednesday	-	чоршанба	on Wednesday	-	чоршанба куни
Thursday	-	пайшанба	on Thursday	-	пайшанба куни
Friday	-	жума	on Friday	-	жума куни
Saturday	-	шанба	on Saturday	-	шанба куни

### MONTHS OF A YEAR ЙИЛ ОЙЛАРИ

January	-	январь	in January	-	январда (январь ойида)
February	-	февраль	in February	-	февралда
March	-	март	in March	-	мартда
April	-	апрель	in April	-	апрелда

May	— май	in May	— майда
June	— июнь	in June	— июнда
July	— июль	in July	— июлда
August	— август	in August	— августда
September	— сентябрь	in September	— сентябрда
October	— октябрь	in October	— октябрда
November	— ноябрь	in November	— ноябрда
December	— декабрь	in December	— декабрда

### Эслаб қолинг!

Агар сана қўйиб айтилса, ойлар олдидан келадиган "in" предлогининг ўрнига "of" ишлатилади. Санани ифодалашда эса "on" қўлланилади.

Масалан :

on the first of October	— биринчи октябрда
on the second of September	— иккинчи сентябрда
on the third of May	— учинчи майда
on the fifteenth of March	— ўн бешинчи марта
on the sixteenth of March	бир минг тўққиз юз тўқсон
nineteen ninety six	олтинчи йил ўн олтинчи марта
(on the 16th of March 1996)	

### SEASONS OF A YEAR ЙИЛ ФАСЛЛАРИ

Winter	— қиши	in winter	— қишида
Spring	— баҳор	in spring	— баҳорда
Summer	— ёз	in summer	— ёзда
Autumn	— куз	in autumn	кузда

### FOODS (PROVISIONS) ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

bread	— нон	a loaf of bread	— бир буханка нон
tea	— чой	a cup of tea	— бир чашка (пиёла) чой
coffee	— кофе, қаҳва	a cup of coffee	— бир пиёла қаҳва
milk	— сут	a bottle of milk	— бир шиша сут
sour milk	— қатиқ	a bottle of sour milk	— бир шиша қатиқ

cream	— қаймоқ	a jug of cream	— бир күза қаймоқ
sugar	— шакар	packet of sugar	— бир пачка шакар (a pack of sugar)
corn flakes		— бодроқ (қовурилган маккажұхори)	
a packet of cornflakes		— бир халта (пакет)	
(a pack of cornflakes)		куритилган маккажұхори	
peas	— нұхотлар		
a packet of peas (a bag of peas)		— бир пакет нұхот	
a packet of frozen peas		— бир пакет музлатилган нұхот	
egg	— тухум	a box of eggs	— бир қути тухум
boiled egg	— қайнатилған тухум		
fried egg	— қовурилған тухум		
oil	— ёғ		
a bottle of cooking oil		— Бир шиша пазандалик ёғи	
jam	мураббо		
a jar of jam (a pot of jam)		— бир банка мураббо	
margarine		— маргарин	
some margarine		— бир оз маргарин	
a kilo of margarine		— бир кило маргарин	
a tube of margarine		— бир қути (ёки пачка) маргарин	
sweets	— конфетлар, шириналар		
butter	— сариёғ		
some butter	— бир оз ёғ		
a little butter	— бир озгина ёғ		
salt	— туз		
some salt	— бир оз туз		
a kilo of salt	— бир кило туз		
meat	— гүшт		
mutton	— қүй гүшті		
a kilo of mutton	— бир кило қүй гүшті		
a kilo of meat	— бир кило гүшт		
ham	— сон гүшті		
a kilo of ham	— бир кило сон гүшті		

two kiloes of ham – икки кило сон гўшти

fish – балиқ

fried fish – қовурилган балиқ

cocoa – какао

coffee – кофе, қаҳва

sausage – колбаса

a kilo of sausage – бир кило колбаса

cheese – пишлөк (сыр)

Энди эса "Give me \_\_\_\_\_, please" конструкцияси ёрдамида юқорида ўрганган озиқ-овқат маҳсулотларидан сизга керагини сўраб олишни машқ қилинг. Масалан :

1. Give me a kilo of mutton, please. – Илтимос, менга бир кило кўй гушти беринг. Ёки Марҳамат қилиб менга бир кило кўй гўшти беринг.
2. Give me some butter, please. – Менга бир оз сариёғ беринг, илтимос.
3. Give me a bottle of milk. – Менга бир шиша сут беринг.
4. Give me a loaf of bread. – Менга бир буханка нон беринг.
5. Give me ten eggs. – Менга ун дона тухум беринг.

Шундай усууда юқорида ўрганилган барча озиқ-овқат маҳсулотларидан сизга беришларини сўрашни машқ қилишингиз мумкин.

## COLOURS РАНГЛАР

white – оқ

red – қизил

black – қора

blue – кўк, ҳаворанг

yellow – сариқ

green – яшил

violet – сиёҳранг, пистоқи

brown – жигарранг

grey – кулранг

Рангларнинг "тўқ" ёки "оч" эканлиги ҳақида сўз юритганда инглиз тилида ранглар олдидан худди ўзбек тилидаги каби "dark" (тўқ) ва "light" (оч) сўзлари ишлатилади.

### Масалан :

dark black	—	түқ қора
dark blue	—	түқ күк
dark green	—	түқ яшил
light blue	—	оч күк
light green	—	оч яшил
light brown	—	оч жигарранг ва ҳ.к.

Қуйида берилган сўзларда рангларнинг улар бодланиб келаётган нарсалар билан бирга ишлатилишига эътибор беринг ва ўзингиз ҳам шунга ўхшаш сўз бирикмаларини тузинг.

white paper	—	оқ қогоз
a white shirt	—	оқ кўйлак (эркаклар кўйлаги)
a white dress	—	оқ кўйлак (аёллар кўйлаги)
a red pencil	—	қизил қалам
a red telephone	—	қизил телефон
a black pen	—	қора ручка
a black dog	—	қора ит
the blue sky	—	ҳаворанг осмон, кўм-кўк осмон
yellow leaves	—	сариқ барглар
green trees	—	яшил дараҳтлар
a green flag	—	яшил байроқ
a violet hat	—	сиёҳранг шляпа
a violet scarf	—	сиёҳранг шарф
a brown table	—	жигарранг стол
a brown belt	—	жигарранг камар
a grey hat	—	кулранг шляпа
a grey cat	—	кулранг мушук
a dark green car	—	түқ яшил автомобил
a dark red tie	—	түқ қизил галстук (бўйинбог)
a light blue skirt	—	оч ҳаворанг юбка

Энди эса ўзингизга ёқсан рангдаги нарсалардан сизга беришларини "Give me \_\_\_\_\_" нутқий намуна асосида машқ қилинг.

### HUMAN BODY ИНСОН ТАНАСИ АЪЗОЛАРИ

head	—	бош	forehead	—	пешона
face	—	юз	cheek	—	яноқ
ear	—	қулоқ	eye	—	кўз
eyebrow	—	қопш	eyelash	—	киприк

nose	— бурун	mouth	— оғиз
tooth	— тиши	teeth	— тишлар
lip	— лаб	chin	— ияк
jaw	— жаг	hair	— соч
moustache	— мүйлов	neck	— бүйин
beard	— соқол	shoulder	— елка
chest	— күкрак/ягрин	arm	— құл (билақдан елкагача)
wrist	— билак	hand	— құл (кағф ға бармоқлар биргалиқда)
thumb	— бош бармоқ	palm	— қафт
fingers	— бармоқлар	fingernail(s)	— тирноқ(лар)
little finger	— жимжилог	stomach	— қорин
fore finger	— курсатиш бармоги		
mid finger	— ўрта бармоқ		
ring finger	— узук тақыладиган бармоқ (номсиз бармоқ)		
knee	— тизза		
foot	— оёқ		
feet	— оёқлар		
toes	— оёқ бармоқлари		

### Топшириқ:

1) Эгалик олмошлари (my, your, his/her, its, our, their)дан фойдаланиб сүз бирикмалари түзинг. Масалан :

your hand	— сизнинг құлингиз
her face	— унинг юзи

2) Сифатлардан (big, little, dark, nice, beautiful ға х.к.) ва ранглардан (black, red, blue, brown ға х.к.) фойдаланиб инсон тана айзоларини ифодалаган сүzlардан сүз бирикмалари түзинг.

Масалан:

little hands	— кичкина құллар
little red lips	— кичкина қырмыз лаблар
long eyelashes	— узун киприклар

3) Энди эса уларни гапларда құллашни маңқ қилинг.  
Масалан :

She has little red lips and dark brown eyes.  
I like her long eyelashes.

## III ҚИСМ

### МЕТОДИК КҮРСАТМА

Азиз китобхон, инглиз тилида сўз ва сўз бирикмалари тузишни ва уларни гапда қўллашни ўрганиб олдингиз.

Энди навбатдаги вазифа инглиз тилида гапиришни, яъни суҳбатлашишни ўрганишдан иборат. Бунинг учун эса сиз ҳар бир дарсда берилган қисқа диалоглардаги нутқий намуналарни ўқиб тушунишингиз ва остига чизилган сўзлар ўрнига қўйида берилган сўзларни қўйиб машқ қилишингиз тавсия этилади.

Буни қўйидаги кетма-кетлиқда бажарган маъқул:

1. Диалогнинг магнит тасмасидаги ёзувини тингланг.
2. Диалогни ўқинг ва уни ўзбек тилидаги муқобили билан солишириб мазмунини тушуниб олинг.
3. Қўйидаги сўзларни намунадаги остига чизилган сўз ўрнига қўйиб қисқа диалоглар тузинг.
4. Уларни ёзма равишда ҳам бажариб кўринг, чунки ёзув оғзаки ўрганилган тил материалини мустахкамлайди.
5. Янги тузилган диалогларни ўқишини яхшилаб машқ қилинг, сўнг уларни магнит тасмасига ёзиб овозингизни эшишиб қўринг.

Шуни айтиш керакки, айрим намуналар диалогик бирикмалардан эмас, балки фақатгина туртки (стимул) бўлиб хизмат қилувчи гапдан иборат. Бундай ҳолларда сиз шу намуна гапдан фойдаланиб ўрин алмаштириш машқини бажариш орқали бир қанча гаплар тузишингиз мумкин. Бу эса сўз бойлигини оширишга ва берилган намунада ўз аксини тошган (ёки мужассамлашган) грамматик қурилмани ишлата билиш қўниқмасини ўстиришга ёрдам беради.

Айрим ҳолларда қисқа намуна-диалоглар улардан кейин келадиган сўз ва ибораларсиз берилган. Бундай ҳолларда шу диалогларни ўқиб тушунгандан сўнг, уларга ўхшаш диалоглар тузиш тавсия этилади.

## LESSON 1

### 1-дарс

1. Намуна-диалогларни ўқинг. Остига чизилган сұзлар үрнігінде "what" ва "where" руқнны остидаги сұзлардан мос келадиганини құйиб сұхбатлашынг.

Pattern 1.

1-намуна.

- |                                    |                                     |
|------------------------------------|-------------------------------------|
| Is Miss Dildora <u>a teacher</u> ? | – Мисс Диlldора <u>ұқитувчими</u> ? |
| Yes, she is.                       | – Ҳа.                               |
| Is she a <u>good teacher</u> ?     | – У яхши <u>ұқитувчими</u> ?        |
| Yes, she is a very good one.       | – Ҳа, у жуда яхши <u>ұқитувчи</u> . |
| Is Mr. Ahmedov a <u>doctor</u> ?   | – Мистер Ахмедов <u>врачми</u> ?    |
| No, he isn't.                      | – Йүк.                              |
| What is <u>he</u> ?                | – У ким? (Касби нима?)              |
| He is an <u>agronomist</u> .       | – У агроном.                        |

WHAT? – НИМА?

- |               |                 |
|---------------|-----------------|
| a dentist     | – тиши доктори  |
| a secretary   | – котиб         |
| a businessman | – ишбилиармоп   |
| a manager     | – менежер       |
| an architect  | – архитектор    |
| an economist  | – иқтисодчи     |
| a book-keeper | – бухгалтер     |
| a clerk       | – хизматчи      |
| a worker      | – шығы          |
| a farmer      | – фермер/дәлқон |
| a director    | – директор      |

WHERE? – ҚАЕРДА?

- |                 |               |
|-----------------|---------------|
| at a factory    | – фабрикада   |
| at a plant      | – завода      |
| at the hospital | – касалхонада |
| at school       | – мактабда    |
| in the office   | – офисда      |
| in Andijan      | – Андижонда   |
| in Tashkent     | – Тошкентда   |
| in Moscow       | – Москвада    |
| in London       | – Лондонда    |

Pattern 2.

2-намуна.

- |                                |                          |
|--------------------------------|--------------------------|
| – What is Ben?                 | – Бэн ким? (Касби нима?) |
| – He is <u>an economist</u> .  | – У иқтисодчи .          |
| – Where is he?                 | – У қаерда?              |
| – He is <u>in the office</u> . | – У <u>офисда</u> .      |

Pattern 3.

3-намуна.

- |  |                                      |
|--|--------------------------------------|
| – Whom would you like to be?                 | – Ким бўлишни истайсиз?              |
| – I'd like <u>e</u> to be a <u>dentist</u> . | – Мен тиши доктори бўлишни истайман. |

a millionaire	—	миллионер
a businessman	—	ишибилармон
a sportsman	—	спортчи
a strong man	—	кучли одам/бакувват одам

Pattern 4.

4-намуна.

What would you like to do? — Нима қилишни истайсиз?

I'd like to go to London. — Мен Лондонга боришини  
истайман.

\* \* \*

I'd like ....

to write a letter	—	хат ёзишни
to make a speech in Parliament	—	Парламентда нутқ, сұзлашни
to punish my little brother	—	кичик укамни жазолашни
to go to the cinema	—	кинога боришини

## LESSON 2

### 2-дарс

Намунаға остига чизилган сүз үрнига қўйида берилган  
сўзлардан мосини қўйиб суҳбатлашинг.

Pattern 1.

1-намуна.

I have got a tape-recorder.

— Менда магнитафон бор.

Has Nodir got a tape-recorder  
too?

— Нодирда ҳам магнитафон  
борми?

No, he hasn't.

— Йўқ.

What has he got?

— Унда нима бор?

He has got a photocamera.

— Унда фотоаппарат бор.

### Эслатма!

"got" сўзининг have билан биргалиқда келиши инглиз тилининг Британия вариантидаги оғзаки нутқقا хос бўлиб, у кўпроқ инглиз тилининг америка вариантида қўлланади, бунда маъно узгармайди.

He has got ....

a bicycle

— велосипед

a car

— машина

a ball	КОПТОК
a record-player	магнитафон
an English book	инглизча китоб
an interesting book	қизиқарли китоб
a good pen	яхши ручка
a typewriter	печат қилиш машинкаси
a TV-set	телевизор
a hat	шляпа
a cap	кеңек
a scull-cap	дүпши

### Pattern 2.

### 2-намуна

Mr.Bell / in London — Мистер Бэлл / Лондонда  
 Have you got any news of — Мистер Бэлл ҳақида бирор  
Mr. Bell? хабар борми?  
 Yes, I have. He is in London now. — Ҳа, бор. Ҳозир у  
Лондонда.

Күйидаги сўз бирикмаларидан фойдаланиб ўхшаш диалоглар тузинг.

Betty / at the college	— Бетти / колледжа
Mr.Ahmedov / in Tashkent	— мистер Аҳмедов / Тошкентда
Mr.Kelly / in Andijan	— мистер Келли / Андижонда
of your brother /in New York	— сизнинг акангиз тўғрисида / Нью Йоркда
of your uncle / in Moscow	— сизнинг тогангиз тўғрисида / Москвада
Udith / at school	— Юдит / мактабда
Bahodir / at his aunt's in Andijan now	— Баҳодир/ҳозир Андижондаги холосиникида
your cousin / he has got a job in Tashkent	— сизнинг жиянингиз / у Тошкентда иш топган

## LESSON 3

### 3-дарс

1. Намунада берилган биринчи гапдаги остига чизилган сўзлар ўрнига "what" рукнида берилган сўзлардан, учинчи гапдаги остига чизилган сўзлар ўрнига эса пайтни ифода-

ловчи "when" руқнидаги сұзлардан мосини қўйиб сухбатлашинг.

Pattern 1.

1-намуна.

I have got an exam on Monday.

Душанба куни менинг имтиҳоним бор.

At what time is the exam?

Имтиҳон соат нечада?

At nine o'clock in the morning.

Эрталаб соат түккизда.

WHAT ?

НИМА ?

a meeting

мажлис

a business talk

ишбилиармонлар сұхбати

an appointment

учрашув, келишув

an appointment with the dean

декан билан учрашув

an appointment with Mr.Bell

мистер Бэлл билан учрашув

a business talk with foreign businessmen

чет эл ишбилиармонлари билан иш юзасидан сұхбат

WHEN ?

ҚАЧОН ?

at 8 o'clock on Monday

Душанба куни соат 8 да

at 9 in the morning

Эрталаб соат 9 да

at 12 o'clock on Wednesday

чоршанба куни соат 12 да

a quarter past three

үчдан чорак дақиқа ўтганда

on Thursday

пайшанба куни

on Friday evening

жума куни кечки пайтда

on the second of October

Октябрнинг иккинчи кунинде

at his office on Tuesday

сешанба куни унинг

ишихонасида

2. Намунадаги остига чизилган сұзлар үрнига «with whom?» сұрғига жавоб бұладиган сұзлардан қўйиб сухбатлашинг.

## Pattern 2.

WITH WHOM ?

- With whom have you got an appointment ?
- I've got an appointment with Mr.Black ?

with my teacher

with my friend

with Bobir Ahmedov

with Nasiба Umarovna

with Mr.Morgan

2-намуна

КИМ БИЛАН ?

- ўқитувчим билан
- ўртогим билан
- Бобир Аҳмедов билан
- Насиба Умаровна билан
- мистер Морган билан

## LESSON 4

### 4-дарс

1. Намунадаги пайтни ифодаловчи «tomorrow» сўзи ўрнига «when» сўргига жавоб берувчи сўзлардан қўйиб, учинчи репликадаги остига чизилган сўзлар ўрнига эса «why» сўргига жавоб бўлувчи сўз бирикмаларидан қўйиб сухбатлашинг.

## Pattern 1.

1-намуна.

Have you got any free time tomorrow ..?

Yes, I have. Why?

Would you like to go to football match ?

OK.

WHEN ?

on Monday

on Sunday

on Wednesday

the day after tomorrow

this afternoon

this evening

tonight

tomorrow at 6 o'clock

on Saturday

Эртага бўш вақtingизз борми?

Ҳа, бор. Нима эди?

Футбол ўйинига боришни истайсизми?

Ҳа, жуда яхши.

ҚАЧОН ?

душанба куни

якшанба куни

чоршанба куни

индинга (эртадан кейин)

бутун туш пайтида

шу кечаси

кечқурун

эртага соат 6 да

шанба куни

## WHY ?

- to go to Karim's birthday party  
to go to the cinema  
to go to the library  
to go to the market  
to go to Mr.Ahmedov's office  
to see the new film at the «Shark»  
to Hamida's wedding party  
to go to the hostel  
to see our friend  
to go to the bank  
to go to the Central bank  
to meet the Youth delegation  
to meet the delegation of businessmen from Japan
- НЕГА ? НИМА УЧУН ?
- Каримнинг туғилган кунига бормоқ  
— кинога бормоқ  
— кутубхонага бормоқ  
— бозорга бормоқ  
— мистер Аҳмедовнинг ишхонасига бормоқ  
— «Шарқ» кинотеатрида янги кино кўрмоқ  
— Ҳамиданинг тўйига  
— ётоқхонага бормоқ  
— ургомизни кўрмоқ  
— банкка бормоқ  
— марказий банкка бормоқ  
— ёшлилар делегациясини кутиб олмоқ  
— япониялик ишбилармонлар делегациясини кутиб олмоқ

## LESSON 5

### 5-дарс

1. Намунадаги остига чизилган сўз бирикмаси ўрнига қўйида берилган сўzlардан қўйиб сұхбатлашинг. Жавоб репликасининг бўлишили ва бўлишсиз шаклидан фойдаланинг.

Pattern 1.

1-намуна.

Mahmud, what about a cup of tea?

— Маҳмуд, бир пиёла чойга қалайсиз?

Yes, thank you.

— Хўп, раҳмат.

(ёки No, thank you.)

(Йўқ, раҳмат.)

• • •

a glass of water

— бир стакан сув

a glass of mineral water

— бир стакан минерал сув

a cup of green tea	— бир пиёла күк чой
a cup of strong tea	— бир пиёла аччиқ чой
a glass of beer	— бир стакан пиво
a cup of (coffee, cocoa) milk	— бир чашка сут (қаҳва, какао)
a game of tennis	— теннис ўйини
a box of chocolate	— бир коробка шоколад
a glass of brandy	— бир стакан бренди
a glass of cognac	— бир стакан конъяк

2. Намунани ўқинг, сўнг остига чизилган сўзлар ўрнини алмаштириб ўхшаш диалоглар тузинг.

I am thirsty. Let's have something to drink.

— Чанқадим. Келинг бирор нарса ичамиз.

OK. What about a glass of mineral water ?

— Жуда яхши. Бир стакан минерал сувга қалайсиз?

No, thank you.I would like to have a cup of coffee .

— Йўқ, раҳмат.  
Мен бир пиёла қаҳва ичмоқчиман.

Say it in English :

Инглизча айтинг :

1. Мен жуда чанқадим. Бир пиёла сув ичишни истардим.
2. Бир пиёла аччиқ күк чой ичишни истайсизми?
3. Бир пиёла сут кетадими?
4. Күк чой ичасизми ёки қора чойми?
5. Бир стакан пивога қалайсиз? (... нима дейсиз?)

## LESSON 6

### 6-дарс

1. Намунадан ва қўида берилган сўзлардан фойдаланиб нималарни сотиб олишни истаганингизни айтинг.

Pattern 1.

1-намуна.

I'd like to buy a car .

Мен машина сотиб олишни хоҳлардим.

an English book	— инглизча китоб
a rubab	— рубоб
a guitar	— гитара

a piano	— пианино
a horse	— от
a pair of skates	— коньки
a pair of skies	— чанги
an English phrase book	— инглизча иборалар китоби
a French book	— французча китоб
a typewriter	— ёзув машинкаси
a chess board	— шахмат доскаси
a ball for my little sister	— синглим учун коптот
a pen for my son	— углим учун ручка
a bicycle	— велосипед

2. Намуна-диалогни ўқинг, қўйида берилган сўз бирикмасидан фойдаланиб ўхшаш диалоглар тузинг.

### Pattern 2.

What would you like to buy  
Madina?

I'd like to buy a bicycle .

Can you ride a bicycle ?

Yes, I can.

Would you like to teach me  
to ride a bicycle?

Yes, with pleasure.

### 2-намуна.

- Мадина, сиз нима сотиб олишни хоҳлардингиз?
- Мен велосипед сотиб олишни хоҳлардим.
- Велосипед минишни биласизми?
- Ҳа.
- Менга ҳам велосипед минишни ўргатасизми?
- Бажонудил.

\* \* \*

to play the piano	— пианино чалмоқ
to play the rubab (dutar)	— рубоб (дутор) чалмоқ
to speak French	— французча гапирмоқ
to speak English	— инглизча гапирмоқ
to play football	— футбол ўйнамоқ
to learn Uzbek	— ўзбекча ўрганмоқ
to learn Russian	— русча ўрганмоқ
to play the electric guitar	— электрик гитарани чалмоқ
to sing an English song	— инглизча ашула айтмоқ

## LESSON 7

### 7-дарс

1. Кўйида берилган сўз бирикмалари ёрдамида намуна-диалогта ўхшаш диалоглар тузинг ва овозингизни магнит тасмасига ёзинг.

#### Pattern 1.

I am sorry, I must go now.

Oh, really? But you could be here some more.

Thank you. But I must do my homework.

I see. Give my best regards to your parents.

Of course I do. Good bye.

Good bye!

#### 1-намуна.

— Кечирасиз, ҳозир мен кетишим керак.

— Ростданми? Бу ерда яна бир оз бўлсангиз яхши бўларди.

— Раҳмат. Мен уй вазифасини бажаришим керак.

— Ҳа, тушунарли. Отавонангизга мендан салом айтинг.

— Хўп, албатта айтаман.  
Хайр!

— Хайр!

go to the market  
do the housework  
go to the Institute  
meet my friend  
see Ben off  
to keep my appointment with  
Nodira

— бозорга бориш  
— уй ишларини қилиш  
— институтга бориш  
— дўстимни кутиш  
— Бенини кузатиш  
— Нодира билан учрашиш

#### 2. Намуна-диалогни ёд олинг.

#### Pattern 2.

Sorry, I must go now.

Can't you wait a little?

Yes, I can.

Thank you.

#### 2-намуна.

— Кечирасиз, ҳозир мен кетишим керак.

— Бир оз кутиб туролмайсизми?

— Хўп, майли.

— Раҳмат.

3. Намуна-диалогни ўқинг ва остига чизилган сўзларнинг ўрнига мос келувчи сўз биримасини қўйиб ўхшаш диалолар тузинг.

Pattern 3.

3-намуна.

Must you visit your friend today?

— Ўрготингизнинг одига бугун боришингиз керакми?

Yes, I must.

— Ҳа.

Can't you put it off till tomorrow?

— Буни эртага қўя олмайсизми?

No, I can't. I must keep the appointment with him.

— Йўқ. Мен учрашув ҳақидаги ваъдамнинг устидан чиқишим керак

Can't you ring him up?

— Унга қўнгироқ қилиб қўйсангиз бўлмайдими?

No, it's too late now.

— Йўқ, ҳозир энди кеч бўлди.

## LESSON 8

### 8-дарс

1. Остига чизилган сўз ўрнига, куида берилган сўзлардан фойдаланиб, Шоиранинг нима қилаёттанини айтинг.

Pattern 1.

1-намуна.

What is Shoira doing?

— Шоира нима қилаяпти?

She is watching TV.

— У телевизор кўряяпти .

Is she enjoying it?

— У бундан мамнунми?

Yes, she is. She is enjoying it very much.

— Ҳа. У жуда ҳам мамнун.

She is ....

reading the text

— матнни ўқияпти

doing homework

— уй ишини қилаяпти

discussing this problem

— муаммони муҳокама қилаяпти

having a business talk

— иш юзасидан гаплашяпти

learning Enlish

— инглизча ўрганяпти

learning to dance

— ўйинга тушишни ўрганяпти

- |                         |                           |
|-------------------------|---------------------------|
| writing a letter        | — хат ёзяпти              |
| reading a newspaper     | — газета үқияпти          |
| playing the piano       | — пианино чаляпти         |
| singing an English song | — инглизча ашгула айтяпти |

## 2. Намуна-диалогни ёд олинг.

- |                                |   |
|--------------------------------|---|
| Pattern 2.                     | 2-намуна.                               |
| — Hello Ben!                   | — Салом, Бэн!                           |
| — Hello Shoista!               | — Салом, Шоиста!                        |
| Whom are you waiting for, Ben? | — Бэн, кимни кутаяпсиз?                 |
| — I'm waiting for Betty.       | — Бэттини кутаяпман.                    |
| — Why isn't she coming?        | — Нега у келмаяпти?                     |
| I am afraid, her bus is late.  | — Менимча, унинг автобуси кеч қолаяпти. |
| * * *                          |   |
| — Are you waiting for Nigora?  | — Нигорани кутаяпсизми?                 |
| — No, I am not.                | — Йүқ,                                  |
| Whom are you waiting for then? | — Унда кимни кутаяпсиз?                 |
| — I am not waiting for anyone. | — Мен ҳеч кимни кутаёттаним йүқ.        |
| Then what are you doing here?  | — Ундей бұлса бу ерда нима қилаяпсиз?   |
| I'm just having a little walk. | — Шунчаки, сайр қилаяпман.              |
| — I see.                       | — Ха, тушунарли.                        |

## LESSON 9

### 9-дарс

1. Намунадаги остига чизилган сүз үрнига қўйида берилган сўзлардан фойдаланиб кимни кутаёттанингизни инглизча айтишни машқ қилинг.

- |                                    |                              |
|------------------------------------|------------------------------|
| Pattern 1.                         | 1-намуна.                    |
| — Whom are you expecting?          | — Кимни кутаяпсиз?           |
| — I'm expecting my <u>friend</u> . | — <u>Дўстимни</u> кутаяпман. |

I am expecting ....

my father	— менинг дадам	brother	— ака
sister	— опа	mother	— она
teacher	— ўқитувчи	uncle	— тога
aunt	— хола	cousin	— амакивачча
niece	— жиян	Betty	— Бетти
Mr.Bell	— жаноб Bell	Mr. Salimov	— жаноб Салимов
her	— уни	tourists	— туристлар
our guests	— Бизнинг меҳмонларимиз		
the delegation from England	— Англиядан келган делегация		

2. Берилган сўзлардан ва нутқий намунадан фойдаланиб нимадан мамнун эканлигинизни айтинг.

Pattern 2.

2-намуна.

I am pleased with my new flat. — Мен янги квартирамдан мамнунман.

I am pleased with ....

new job	— янги иш
TV-set	— телевизор
our house	— бизнинг уй
our refrigerator	— бизнинг холодильник
my car	— менинг машинам
my new jacket	— менинг янги курткам
my room	— менинг хонам

3. Учинчи ва тўртинчи намуна-диалогларни ёд олинг. Сўнг ухшаш диалоглар тушиб, уларни магнит тасмасига ёзинг.

Pattern 3.

3-намуна.

Are you pleased with your new flat?

— Сиз янги квартирангиздан мамнунмисиз?

Yes, I am. It is very comfortable.

— Ха. У жуда ҳам қулай.

Pattern 4.

4-намуна.

Are you pleased with your new refrigerator? — Янги музлаттичдан (холодильник) мамнунмисиз?

No, I'm not.	-	Йўқ.
Why?	-	Нега?
It is not modern.	-	У замонавий эмас.

## LESSON 10

### 10-дарс

1. Иккинчи гапдаги остига чизилган сўзлар ўрнига «where?» сўроғига жавоб берувчи сўзларни, тўртингчи гапдаги остига чизилган сўзлар ўрнига эса «with whom?» сўроғига жавоб берувчи сўзларни қўйиб ўхшаш диалоглар тузинг.

Pattern 1.

1-намуна.

Nodira, are you free tonight?

— Нодира, бугун кечқурун бўшмисиз?

No, I'm not. I am going to the cinema tonight.

— Йўқ. Кечқурун кинога тушмоқчиман.

With whom?

— Ким билан?

With my parents and my little brother.

— Ота-онам ва кичкина укам билан.

• • •

WHERE ?

ҚАЕРГА ?

to the theatre

— театрга

to my friends birthday party

— ўртоғимнинг туғилган кунига

to Nodir's wedding party

— Нодирнинг туйига

to Samarkand

— Самарқандга

to the concert

— концертга

to the party

— кечага

to Piccadely Circus

— Пикаделли циркига

to the British museum

— Британия музейига

WITH WHOM ?

КИМ БИЛАН ?

with Bahodir

— Баҳодир билан

with my sister (mother, etc)

— опам (онам ва бошқ.) билан

with Mr. Bell

— жаноб Белл билан

with foreign tourists

— чет эллик туристлар билан

2. Диалогни эшитинг. Сўнг ўқиши машқ қилинг. Ундан кейин эса остига чизилган сўзлар ўрнига қуида берилган сўзлардан фойдаланиб ўхшаш диалоглар тузинг.

Hello, Anvar! Are you going to Tashkent tomorrow?

Yes, I am.

Whom are you going with?

I am going with Mr. Bell.

Are you taking Nodir with you?

No, I am not. He is busy tomorrow.

WHERE ?

to Fergana

to Samarkand

to Moscow

to Bukhara

to London

to New York

WHEN ?

tonight

the day after tomorrow

the next morning

the next week

tomorrow afternoon

tomorrow at 10 o'clock

— Салом, Анвар! Эртага Тошкентга кетаяпсизми?

— Ҳа.

— Ким билан кетаяпсиз?

— Мистер Белл билан.

— Нодирни ҳам ўзингиз билан бирга олиб кетаяпсизми?

— Йўқ. У эртага баңд.

— ҚАЕРГА ?

— Фаргонага

— Самарқандга

— Москвага

— Бухорога

— Лондонга

— Нью-Йоркка

— ҚАЧОН ?

— кечқурун

— индинга

— эртага эрталаб

— кейинги ҳафта

— эртага кундузи

— эртага соат 10 да

## LESSON 11

### 11-да рес

1. Диалогни эшитинг, сўнг ўқиши машқ қилинг. Остига чизилган сўзлар ўрнига қуида берилган сўзлардан мосини қўйиб ўхшаш диалоглар тузинг.

Pattern 1.

Bahodir, what about going to the cinema?

1-намуна.

— Баҳодир, кинога тушишга қалайсиз?

I'm sorry I can't. I'm working very hard this month.  
 What are you doing?  
 I am preparing for my exams.

— Кечирасиз, боролмайман.  
 Бу ойда қагтиқ ишләяпман.  
 — Нима қилаяпсиз?  
 — Имтиҳонларга тайёрланаяпман

WHEN ?	—	ҚАЧОН ?
this month	—	бу ойда
this week	—	бу ҳафтада
this year	—	бу йил
these days	—	шу кунларда

### WHAT ARE YOU DOING? — НИМА ҚИЛАЯПСИЗ?

I am ....	Мен ....
learning business	— ишбилармонликни ўрганаяпман
learning foreign languages	— чет тилларини ўрганаяпман
learning English	— инглиз тилини ўрганаяпман
earning some money	— пул ишләяпман
studying the history of Uzbekistan	— Ўзбекистон тарихини ўрга- наяпман
studying Japanese philosophy	— япон фалсафасини ўрганаяпман
going in for karate	— каратэга қатнашайпман
writing a book	— китоб ёзаяпман
making a contract	— шартнома тузаяпман
discussing the terms of the contract	— шартномадаги талабларни мұдокама қилаяпман

2. Диалогни үқинг. Сүнг остига чизилған сүздар ўрнига қойида берилған сүздардан мосини қўйиб ўхшаш диалоглар тузинг.

#### Pattern 2.

Is Nafisa learning German?

No, she isn't. She is learning English.

And what about her husband?

He is learning to operate an electronic computer.

2-намуна.

— Нафиса немисча ўрганаяптими?

— Йўқ. У инглиз тилини ўрганаяпти.

— Унинг турмуш ўртоги-чи?

— У компьютерда ишләшини ўрганаяпти.

her friend	— унинг ўртоги
her brother	— унинг акаси
Akmal	— Акмал
Ted	— Тед
Mr.Ahmedov	— жаноб Аҳмедов
Mrs.Watson	— Ватсон хоним
these ladies	— бу хонимлар
these students	— бу талабалар
these girls	— бу қизлар

\* \* \*

to teach foreign languages	— чет тилларини ўргатмоқ
to perform surgical operations	— жарроҳлик қилмоқ
to feed babies	— гўдакларни боқмоқ
to buy and sell goods at a profit	— фойдасига мол (товар) олиб сотмоқ

## LESSON 12

### 12-дарс

